



# Hurriyat

Mustaqil gazeta

2025-yil  
3-dekabr  
chorshanba  
№ 46 (1472)

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqqan boshlagan \* www.uzhurriyat.uz \* @ hurriyatuz@mail.ru \* t.me/hurriyatuz \* Hurriyat gazetasi

## ЎЗБЕКСТОН – ПОЛЬШАНИНГ

# Марказий Осиёдаги асосий ҳамкори

Ўзбекистонга ташриф буюрган Польша қишлоқ хўжалиги вазири Стефан КРАЕВСКИЙ эксклюзив интервьюсида икки мамлакат ўртасидаги аграр соҳадаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Ўзбекистонга хуш келибсиз. Ташрифингиз яқунлари бўйича Польша ва Ўзбекистон ўртасидаги аграр ҳамкорлигининг қайси йўналишларини энг истиқболли, деб ҳисоблайсиз?

— Тошкентга биринчи марта келишим. Ҳақиқатан, бу ерда ташкилотчилик даражаси аъло даражада. Самимий қабул ва мамлакатларимиз ўртасидаги савдо алоқаларини кенгайтириш бўйича мазмунли муҳокамалар ташкил этилди. Ўзбекистон Польшанинг Марказий Осиёдаги муҳим шериги ҳисобланади ва биз бу муносабатларни тизимли ва изчил ривожлантириш ниятидамиз.

Польша қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилишда катта салоҳиятни кўрмоқдамиз. Булар сабзавотлар, мевалар, энг аввало, поляк олмалари, гўшт ва сўт маҳсулотлари, қандолатчилик маҳсулотларидир. Шу билан бирга, биз ўзбек товарлари импортига ҳам очиқмиз, бу ўзаро савдонинг мувозанатлаштириш имконини беради.



— Мамлакатнинг ўсиб бораётган экспорт салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича Польша инвестицияларини кенгайтириш масаласи кўриб чиқилмоқдами?

— Польшада ҳам, Ўзбекистонда ҳам савдо уйлари ташкил этиш музокара дастурига киритилган. Бундай шериклик алоқалари товар айирбошлашни тезлаштириш ва барқарор етказиб беришни таъминлаш имконини беради. Ҳозирча, умумий маслаҳатлашувлар олиб борилмоқда, аммо, аниқ қарорлар ва режалаштириш билан шуғулланадиган ишчи гуруҳлар шакллантирилмоқда.

Польша Ўзбекистонга истиқболли ҳамкор сифатида қарайди. Бизни ўхшаш муаммолар, жумладан, иқлим ўзгариши, ёгингарчилик ва сув танқислиги бирлаштиради. Буларнинг барчаси янги барқарор ечимларни, қўшма илмий лойиҳаларни талаб қилади.

Олий таълим муассасаларимиз ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш, талабалар ва мутахассислар алмашинувини амалга ошириш, самарали лойиҳаларни ишлаб чиқиш юзасидан фикр-мулоҳазалар алмашидик.

— Польша ўзбекистонлик ҳам-

корлар билан агрологистика, сертифицирлаш ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида технологиялар алмашиш имкониятларини қандай баҳолайди?

— Польшада юқори сифатли, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишга эътибор катта. Бу ҳамкорларга стандартлар ва сертификатлаштириш учун қатъий талаб қўяди. Биз савдо-сотикни кенгайтиришда бу нормаларнинг ҳар икки томон ҳам бажаришини таъминлашни муҳокама қилдик.

Агрологистика алоҳида мавзу. Шу маънода, Польша ўзбекистонлик ташувчиларни қўллаб-қувватлаш чораларини кўриб чиқишга тайёр. Яқин кунларда ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро самарадорликни ошириш бўйича аниқ қадамларни белгилаб олиш учун Польша инфра-тузилма вазири билан музокаралар ўтказаман.

— Сизнингча, қандай қилиб Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсу-

лотларининг Польша ва умуман Европа Иттифоқи бозорига чиқишини тезлаштириши мумкин?

— Муҳим йўналиш – икки мамлакат маҳсулотларига киришнинг марказий нуқталарига айланган савдо уйлари. Польша бозорини таҳлил қилиш, Ўзбекистондаги эҳтиёжларни ўрганиш ва мувозанатли етказиб беришни шакллантириш зарур. Гап, ҳар бир томон сунъий рақобат яратмасдан, балки талаб юқори бўлган маҳсулотларни етказиб бериш ҳақида бормоқда.

Шунингдек, эркин савдо, қўшимча тўсиқларсиз амалга ошириш учун ветеринария ва санитария талаблари ҳамда озиқ-овқат хавфсизлиги нормаларини мувофиқлаштириш керак.

— Катта раҳмат, яна бир бор Ўзбекистонга хуш келибсиз!  
— Сизга ҳам ташаккур.

Х.МЕЛИҚЎЗИЕВ суҳбатлашди.  
“Дунё” АА.

## ПУБЛИЦИСТИКА

# “УРГУТГА ИККИТА ЧИПТА БЕРИНГ”

ёки Ургутга поездлар мунтазам қатнамоқда.  
Президентимиз унинг биринчи йўловчиларидан бўлди.



Ҳали совет замонида Ургут ва ургутликлар ҳақида турли латифалар юрар эди. Шулардан биттаси:

Катта халқаро аэропорт. Бир йўловчи кассирдан сўраяпти:  
— Мехикого билет борми?  
Кассир аёл ажабланиб елка қисади:  
— Бунақа шаҳарни эшитмаганман.

Бошқа йўловчи сўрайди:  
— Техасга-чи? Борми билет?  
Кассир аёл яна ҳайратда:  
— Шунақа шаҳар ҳам борми дунёда?

2-6.

## ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

# АВЛЮДЛАР ЙЎЛИ

“Чортоқ минерал суви”ни дунёга танитган машҳур тадбиркор  
Баҳодир АБДУРАИМОВ фаолияти ҳақида

## ОДАМИЙЛИК

Мир Алишер Навоий бобомиз таъбири билан айтганда, яхшилик билан ном қолдириш ажаб саодат эрур. Яхши инсонларни ёд этиш уларнинг эзгуликларини учун ажр-мукофот кабидир. Журналистик фаолиятимда кўпинча қахрамонларимни ота-оналарига меҳр-шафқат кўрсата оладиган фарзандлар орасидан излаيمان ва албатта, ҳикоямни ҳам шундай зурриётларни тарбиялаганлар ҳақида ёзиш менга кўпроқ завқ-шавқ ва илҳом бахш этади.


“Чортоқ минерал суви” номини дунёга танитиб, уни жаҳон бозорига олиб чиққан машҳур тадбиркор Баҳодир Абдураимов ҳақида ёзишдан аввал унинг падарибузруквори Турсунбой ота, оналари Комилахон ая ҳақидаги хотираларни излаб Наманганнинг Чортоғига бордим.

Уша куни Чортоқ ҳавоси пойтахтимиздагидек эмас, аксинча, ниҳоятда мусаффо, тоза ва чанг-ғуборсиз эди. Ҳа, Чортоқ ўзининг гўзал табиати билан ҳам мафтун этадиган гўша.



3-6.

## ЯНГИ КИТОБ



# “ЯЛДО КЕЧАСИ” НАШРДАН ЧИҚМОҚДА

Ўтган ҳафта “Jadid” газетаси (28 ноябрь сони) ва ижтимоий тармоқлар орқали бир адабий янгилик тарқалди.

Уларда пойтахтимизда яқинда ташкил этилган “Хайуаб-25” нашриёти томонидан “Ялдо кечаси” номли янги тарихий роман чоп этилаётгани ҳақида хабар берилган.

Нашриёт бош муҳаррири Шуҳрат Соҳибовнинг “Jadid” газетаси муҳбирига берган интервьюсида “тарихий ҳужжатлар асосидаги бадиий тўқима” шаклида яратилган ушбу асар 21 декабрь — Ялдо кечасига қадар босилиб чиқиши маълум қилинган.

Романи кўлэма ҳолида ўқиб чиқиб, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирган тақризчилар орасида Ўзбекистон Қаҳрамони, устоз Иброҳим Ғафуров, академик Шуҳрат Сироҷиддинов, шунингдек, Баҳодир Карим, Нурбой Жаббор, Шуҳрат Ризаев, Жаббор Эшонкул каби профессорлар, Эркин Аъзам, Сироҷиддин Саййид, Фай-

рат Маҳид, Ғафур Шермуҳаммад, Муртазо Қаршибой, Икром Искандар, Ғайрат Шералиев каби шоир ва адиблар, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, академик Турсунали Қўзиёев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, матншунос Хондамир Қодирий, таниқли адабиётшунос Олимжон Давлатов ва бошқа хурматли ижодкорлар борлиги китобнинг чиндан ҳам жиддий асар эканидан далolat беради.

Шу муносабат билан таҳририятимиз “Хайуаб-25” нашриёти билан боғланди. Нашриёт ходимлари бизнинг бу фавқуллодда гаройиб асарга бўлган қизиқишимизни инобатга олиб, романининг “Хонлар ўтар, тахт ўтар” номли бобини муштарийларимизга лутфан тақдим этишди.

Бунинг учун нашриёт жамоасига чин қалбдан миннатдорлик билдирмаем.

Куйида асарнинг ана шу боби эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

7-6.

**1-6.** Башанг кийинган икки киши ўзроғу руноглашиб келаётди.

— Биласанми, — дейди бирови шеригига, — қайси кун қиттинга тўтта нон олсам, тўттовиниям гидди кўйган.

Улар хоҳолашиб келди-да, кассирга юзланди:

— Қизимка, Ургутга иккита билет бер.

Кассир аёл мамнун жилмайиб сўрайди:

— Юқори Чиноргами, Куйи чиноргами?..

Ҳар бир латиға, эртак замирида муайян ҳақиқат мужассам, хусусан, эртаклар уни тўқиган халқларнинг орзу-умидларининг ифодаси. Эртакларда ўқиганмииз баъзи воқеалар йиллар ўтиб реал воқеликка айлангани ҳақида кўпга мисоллар келтириш мумкин. Лоқалч урч гиламлар, “ойнаи жаҳон” хусусидаги эртакларни эслайлик.

Самарқанд – Ургут темир йўли линияси қурилгани ва поезд қатнови йўлга қўйилганини кўриб, шуларни эсладим. Зеро, Ургутга поезд бориши узоқ эмас, ўн йиллар нарисида ҳам эртакдай гап эди. Умумий узунлиги 55 километр бўлган бу йўлда бир неча кўприк, “Ургут” эркин иқтисодий зонасида иккита юк станцияси қурилган. Жертпа ва Ургут тумани марказида вокзал бунёд этилган. Тўққиз ойда шунча масофага темир йўл ётқизиш, вокзаллар, юк станциялари, кўприклар қуриш айтишга осон. Бугун Самарқанд ва Ургут йўналишида поездлар мунтазам қатнамоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев унинг биринчи йўловчиларидан бўлди. Бинобарин, ушбу лойиҳа давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва назорати остида амалга оширилди. Келгусида мақдур линияни тўлиқ электрлаштириш режалаштирилган.

Ургутга поезд йўли қурилиши тасоудий ёки кингадир нимандир кўз-кўз қилиш учун қилинмаган, аксинча, зарурат, ҳаёт тақозоси. Ахир бугун Ургутда нималар ишлаб чиқарилаётган дейсиз! Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бунёд этилган “Ургут” иқтисодий зонасида ишлаб чиқарилаётган хилма-хил маҳсулотлар нафақат ички бозорда хариддорлар, кўп-лаб мамлакатларга экспорт ҳам қилинаётди. Темир йўл қурилгани экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Энди ургутлик тадбиркорлар хориждан келтирадиган юкларни туманининг ўзига қабул қилиш ва экспорт қиладиган маҳсулотларини шу ердан жўнатиш имконига эга бўлди. Бу Президентимизнинг узоқни кўзлаб, халқ-

# “УРГУТГА ИККИТА ЧИПТА БЕРИНГ”

ёки Ургутга поездлар мунтазам қатнамоқда.

Президентимиз унинг биринчи йўловчиларидан бўлди.



миз манфаатини ўйлаб олиб бораётган теран маъно-мазмунга эга халқчил сивасатининг самараларидан бири.

Кейинги етти-саккиз йилда Ургутга амалга оширилган ишларни шунчаки санаб чиқиш учун ҳам юзлаб қоғозни қоралашга тўғри келади. Бирон-бир жойга сановатнинг кириб келиши, айниқса, темир йўл қурилиши ўша туман ёки вилоят иқтисодини кўтариш билан бир қаторда одамлар онгини, тафаккурини, дунёқарашини, маданиятини, алаҳ-оқибат савиясини оширишга хизмат қилади. Ургутга қурилган ва қурилаётган турли-туман корхоналар ривожланган давлатлардан келтирилган энг сўнгги русумдаги техника-технологиялар билан жиҳозланган. Уларда ишлаётган ёшларнинг фикри ҳам, дунёқарашини ҳам ўзгартириш табиий.

Ургутга темир йўл келганини телевидение ва ижтимоий тармоқлар орқали кузатиб, бугун шулар ҳақида айтилган-у ҳаёлим ўсмирлик ва ёшлик йилларимга кетмоқда. Биз тенги авлоднинг болалик ва ўсмирлик даври урушдан кейинги оғир, қаҳатчилик йилларига тўғри келган. Ўша вақтларда ёши улуглар “қимматчилик бўлса ҳам қаҳатчилик бўлмасин”, деб дуо қили-

шарди. Биз – болалар қимматчиликни сал-пал билсак-да, қаҳатчилик нима эканини тушунамас эдик. Кейин англаб етдикки, қаҳатчилик дегани ҳеч нарсаси йўқ, дегани экан. Нарса қимматроқ бўлса ҳам озорқ олиш мумкин, аммо дўконлар хувиллаб ётса, чўнтак тўла пул бўлса-да, нимани олади?

Бизнинг тенг-тўшларимиз бугунги ўрилган ангордан сомон йиғардик. Уни икки қанорга (бир қанор икки қопча келарди) тикиб, ашакка ортиб, ўзимиз пиёда туман марказига олиб бориб сотардик. Қишлоғимиздан Ургутгача ёлғизоқ йўл бўларди, масофа ўн беш чақиримдан зиёд. Тонг ёришмай йўлга чиқганимиз учун йўлда бўри, чиябўри каби йиртқичларга дуч келиб қолишдан қўрқар эдик. Ўша йўллар ҳамон кўз ўнгимда. Яқинда ўша йўналишдан ўтдим. Йўл бўйига тушган қўп қаватли уйлар, турли ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар одамнинг ҳавасини келтиради, қараб тўймайди киши. Эътибор берпасизми, бир вақтлар бийдай дала бўлган жойларда бугун замонавий уй-жойлар, бозорлар қад ростлаган.

Менинг ўсмирлик йилларим ҳақида ёзганларим бугунги ёшларга эртак

каби туюлиши мумкин. Айнан шунинг учун ёзаялман. Ёшларимиз билсин, бугунги фаровон кунларга осонликча эришилгани йўқ. Дунёдаги энг қудратли давлатимиз, деб жар солган совет замонида қишлоқ аҳолисининг қосаси оқармади. Иқтисодий томонлар билан бирга маънавий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳам паст назар билан қаралган қишлоқ аҳолисига. Битта мисол: Қишлоқда яшайдиганларга паспорт берилмас эди. Мен пойтахтга ўқишга отланганимда ана шу муаммо кўндаланг бўлиб чиққан. Катта акам (Аллоҳ раҳмат қилсин) ундан-бундан илтимос қилиб, паспорт олиб берган. Ҳолбуки, шаҳарда яшайдиганлар ҳам, қишлоқда яшайдиганлар ҳам ўша совет давлатининг фуқароси эди. Пахтачи, галлани ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини қиситилган қишлоқ аҳолиси етиштирарди. Мана сизга адолатли социализмнинг “каромати”...

Сирасини айтганда, Ургутга эркин иқтисодий зона барпо қилингани бежиз эмас. Туман аҳолисида азалдан тадбиркорликка ўқуви ҳам, мойиллиги ҳам бўлган. “Гулгадан социализм” бунга имкон бермасди, холос. Истиқлол мамлакатимиздаги барча тад-

биркорлар сингари ургутликларга ҳам муайян имконият эшикларини очди. Бирок бу эшиклар қаердадир кенг-роқ, қаердадир қияроқ очилди. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига ўтирганидан сўнг бу эшиклар ҳамма жойда ланг очилди. Эшиклар очилибгина қолмади, тадбиркорларга жуда катта имконият ва имтиёзлар берилди, моддий ва маънавий кўмак кўрсатила бошланди. Аммо эшикни очиб қўйган билан барча муаммо ҳал бўла қолмайди, истаган одам тадбиркорлик қилиб, гуриллаб кета олмайдди. Ҳамма ҳам муҳандис, жарроҳ ёки учувчи бўла олмаганидек, тадбиркорлик ҳам осон иш эмас. Орзу, ҳавас бошқа, амалиёт бошқа. Барча соҳалар қатори тадбиркорликнинг ҳам ўзига яраша машаққатлари, сон мингта муаммолари борки, уларга чидаш керак, тўсиқ-ғовларни бартараф этиш йўлларини топа билиш лозим. Халқона ибора билан айтганда, ҳолва деган билан оғиз чучимайдди. Бунинг учун аввало Аллоҳ берган иқтидор, кейин билим ва тинимсиз изланиш, кузатиш, ўрганиш керак. Зеро, барча ютуқлар замирида ана шу хусусиятлар ётади. Ургут аҳолисининг қўчқилигида бу фазилатлар бор. Буни Президентимиз яхши билади. У киши Самарқанд вилоятининг ҳокими бўлган йиллари вилоятнинг қайси тумани нимага қодирлигини, қайси туманда қишлоқ ҳўжалигининг қайси соҳасини ёки сановатни ривожлантириш мумкинлигини обдан ўрганган. Мамлакат бош вазири бўлган, бу масалаларни янада кенгроқ, теранроқ ўрганиш ва таҳлил қилиш имкони вужудга келди. Биргина Самарқанд эмас, бутун мамлакатнинг салоҳияти, қайси ҳудудда қанақа соҳани, айтилайлик, бир туманда боғдорчилик, бошқа туманда чорвачилик, яна бирида сановатни ривожлантириш мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввур ва маълумотларга эга эди. Уларни амалга ошириш механизмлари ҳам бор эди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатнинг умумий ҳолатини, яхши ва ёмон томонлари билан, у киши беш бармоқдай аниқ билар эди. Аммо...

Камина бу гапларни у киши бош вазир бўлган йилларда ўтказган кат-

та-кичик мажлисларнинг кўпида қатнашганим ва ўша йиғилишларда айтган гаплари, фикрларини эшитганим, уларнинг энг муҳимларини ён дафтаримга ёзиб қўйганим учун айтаялман. 2017 йилдан бошлаб ана шу режалар бирин-кетин амалга ошира бошланди. Бутун мамлакатимиз бўйлаб шундай бир кўтаринки руҳ, шиддат ва ҳаётбахш кайфият пайдо бўлдики, уни ҳамма ҳам бирдай англаб етолмади. “Нималар бўлаяпти ўзи?” деб ҳанг-манг қолганларни ҳам кўрдик. Кенг қўлоқ ёйган бу шиддатли тўлқин тобора кенгайиб, кучайиб бораверди. Бугун унинг натижаларини кўриб турибмиз, нафақат юртдошларимиз, балки бутун дунё кузатиб, ҳавасу хайрат билан кўраётган. Худди шундай! Мен Ургут фарзанди, шу юртининг оддий қаламқаш бир зиёлиси сифатида ич-ичимдан тўлқинланган кетдим, юрагим ҳақирчиқ, фарзандларим ва невараларимга ҳаяжон билан бу воқеанинг аҳамиятини гапириб бердим...

Энди сўзимиз аввалидаги латиғага қайтайлик. Ургутга Юқори чинор, Куйи чинор, деган масканлар бор. Латиғада ана ўшалар назарда тутилган. Албатта, латиғалар муболағаларга қурилган бўлади. Бу муболағалар бир кун келиб, реал воқеликка айланиши ҳам мумкин, айниқса, илм-фан, сунъий интеллектлар шиддат билан ривожланаётган бугунги замонда.

Самарқанд – Ургут поездиди Президентимиз Ургутга борганини айтдик. Ушанда давлатимиз раҳбари туман фаоллари билан самимий суҳбатладди. Нуронийлар туман аҳлининг дил сўзларини, минтадорлигини изорҳ этди. Отаҳон Рашид Тўраев Президентимизга темир йўл учун миннатдорлик билдириб, “Сизни Ургут аэропортида кутиб олиш ҳам насиб этсин”, деб эзгу ният билдирди. Қандай яхши, эзгу ният! Бу гапдан руҳланган давлатимиз раҳбари “Ургутга аэропорт ҳам бўлади!” деди.

Аллоҳ насиб этса, яқин йилларда Ургутга аэропорт ҳам бунёд этилишига ишонамиз.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ.

## ИСЛОҲОТ

Ишончим комил, ўз вазифасини ҳалол ва виждонан адо этадиган ички ишлар органи ходими эл-юрт ўртасида албатта муносиб обрў-эътибор топади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

# ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ИМИЖИНИ ОШИРИШ

миллий ва халқаро тажриба



**Имиж — “ишонтириш” усули...ми?**  
Ижтимоий тармоқларда давлат хизматчилари ҳақидаги ижобий ва салбий фикрларни кўпга кузатиш мумкин. Тўғри, ҳуқуқий демократик давлат яшаймиз. Бирок давлат ва оддий халқ ўртасидаги муносабатлар жараёнида “имиж” тушунчаси алоҳида ўрин тутлади. Ўзбекистон миллий энциклопедиясига кўра, имиж (инглизча “image”, лотинча “imago” — тисол, кўриниш) — шахс, ҳодиса, нарсанинг омаллаштириш, реклама қилиш мақсадларида одамларга ҳиссий-руҳий таъсир кўрсатишни кўзлаб шакллантирадиган қиёфаси; тарғиб қилиш воситаларидан бири.

“Имиж” тушунчаси рейтинг, обрў, машҳурлик, жозоба, мафтункорлик, эътибор, нуфуз ва бошқа тушунчалар билан ҳамоҳанг. Мутахассисларнинг фикрича, имиж 4 турга: касбий, ижтимоий, оиладаги ва шахсий турларга бўлинади. У ташқи кўриниш, кийиниш маданияти, урф-одатлар, фаолият ва сазъ-ҳаракатлар, инсон ахлоқи, ўзини туттиши, мақсадлар, дўстлари ва муносабатларида намоён бўлади.

Демак, имиж — омма тафаккурида мақсадли шакллантириладиган ҳамда рационал ёки эмоционал хусусиятга эга бўлган нарса, ҳодиса ва ёки инсонлар тисоли, уларнинг йиғма образи ҳисобланади. Шу боис имижга нисбатан ҳар доим у ёки бу даражадаги ижтимоий муносабат мавжуд бўлади.

Кўпчилик мутахассислар томонидан ички ишлар органи ходимлари имижининг тарқибий қисмлари сифатида ташқи кўриниш; ҳуқуқий онг; шахсий сифатлар; киришимлилиқ белгиланган.

Ушбу сифатларни жамоатчилик эътиборига намоён этишда оммавий ахборот воситалари муҳим роль ўйнайди. Умуман, оммавий ахборот воситалари инсонларнинг фикрларини даражасига таъсир кўрсатиши нўқтаи назардан айтиш мумкинки, улар ички ишлар органи ходимлари имижини оширишининг асосий механизмларидан бири ҳисобланади.

**Халқчил тузилма**  
Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари бошчилигида ички ишлар органи ходимларини халққа яқинлаштириш, эл-юрт дарди ва ташвиши билан яшашга, хизмат қилишга қаратилган улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонда янги ички ишлар органи ходимларини шакллантириш, аҳолига ўз вақтида ва қонуний ёрдам кўрсатадиган, ижтимоий йўналтирилган профессионал халқчил тузилмага айлантириш баробарида унинг имижини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Чунончи, ички ишлар органи ходимларининг замонавий қиёфасини яратиш, уларнинг масъулияти ва касбий салоҳиятини ошириш буйича ҳам қатор ижобий ишлар қилинди. Осойишталик посбонларини хизмат бурчига садоқат, ватанпарварлик, ҳалоллик руҳида тарбиялаш, обрў эътиборини оширишга эришиш вазирлик раҳбариятининг доимо диққат марказида. Ислохотлар самараси ўлароқ, ходимларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди, айни пайтда масъулияти ҳам ошди, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий томондан жиҳояллаш асослари яратилди. Бугунги кунда ички ишлар органининг фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида шахсий тарқибни зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга лаёқатли, маънавий етуқ, руҳий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, малакали ходимлар билан жамлаш чоралари қўрилмоқда.

Шахсий тарқиб ўртасида ҳам маънавий-маърифий ишларни сифат жиҳатдан янги поғоналарга кўтариш, ходимларнинг билим савиясини янада юксалтириш, маънавиятли, ватанпарвар, ўз касбига садоқатли ва фидойий ходимларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда ички ишлар органида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш концепцияси муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

### Имиж яратиш масъулияти

Ички ишлар органи ходимлари хизматни бевосита фуқаролар кўз ўнгига амалга оширади, демакки, фуқаролар билан мулоқотда очиқ ва самимий бўлиш, дардини эшитиш, уларнинг муносабатлари билан ишлашда ҳақ-

қоний бўлиш зарур.

Аммо сўнгги пайтларда ички ишлар ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилиш, уларни ҳақорат қилиш, хатти-ҳаракатларини ижтимоий тармоқларда тарқатиш орқали “шантаж” қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Интернет ва ижтимоий тармоқларда осойишталик посбонларини обрўсизлантириш, ноҳолис ахборотларни бўрттириб кўрсатиш ҳолатлари кам эмас.

Бинобарин, ички ишлар органида имиж яратиш масъулияти, шу билан бирга, бирмунча машаққатли. Масалан, профилактика инспекторининг халқ орасида ўз имижини яратишда ташқи кўринишининг ўзи камлик қилади. Ўз устида тинимсиз изланиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳақиқий жиҳоячиси бўлиш, халқнинг оғир дамларида энг яқин кўмакчиси, ҳаммаслак бўлиш ҳам жуда муҳим.

Яхши биламики, ходимнинг имижини оширадиган жиҳатлардан яна бири унинг маънавиятидир. Инсон камолоти ва маънавий дунёқарашини эса китоб орқали юксалади. Шунинг учун шахсий тарқиб ўртасида китоб ва китобхонликни тарғиб қилиш, мутолаа маданиятини ошириш, кутубхоналар фондини бойитиб бориш устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Соҳа вакиллари эл орасида обрў қозонишлари, имижини ошириш учун, авваламбор, зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажаришлари лозим. Ҳар бир ходим фуқаролар билан мулоқотда ҳушмуомала бўлиши, касбий ва ҳуқуқий билимларини муттасил ошириш устида тинмай изланиши зарур. Ана шунда муайян мақсад ва мудидаларга эришилади.

### Хориж тажрибаси

Хорижий тажриба ҳуқуқбузарликлар профилактикасида янги иш усулларини қўллаш, аҳоли ва жамоатчилик билан яқин мулоқотни йўлга қўйиш, ички ишлар органи фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Рус тадқиқотчиси С.Наумов “Ички ишлар органи ходимларининг имижини — бу уларнинг

энг характерли ва типик хусусиятларини очиб берувчи мураккаб тасвирдир” деб фикр билдирган бўлса, А.Семкин унга “хизмат вазифаларини бажаришда намоён бўладиган ижтимоий хатти-ҳаракатлар намоёнлиги” деб таъриф берган. Бошқача қилиб айтганда, ички ишлар органи ходимнинг имижини бу — жамоатчилик нигоҳидаги ички ишлар органи ходимларининг тасвири бўлиб, улар хизмат фаолиятининг характери ва хусусиятларини намоён қилувчи мураккаб жараёндр.

XXI аср бошларида Россияда ички ишлар органи тизимида жинойatchиликнинг ўсиши, қонунларга бепарволик билан муносабатда бўлиш ҳолатларининг ошиши ва фуқароларга нисбатан қўпол муомалада бўлиш каби тизимли муаммолар юзга келди. Бу омиллар эса мамлакатда ички ишлар органига нисбатан жамоатчилик ишончининг пасайишига олиб келди, имижига жиҳдий таъсир кўрсатди.

Бу ҳолатларни бартараф этиш Россия ҳуқуқати томонидан Ички ишлар вазириги тизимида кенг қўлланма ислохотлар ўтказиш йўли билан амалга оширилди. Хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш, тизимнинг модернизация қилиш, жумладан, уларнинг фаолият самардорлигини ошириш, кадрлар муаммосини ҳал этиш ҳамда соҳанинг молиявий ва моддий-техник ҳолатини яхшилаш кўзда тутилди.

Россия Федерациясида полиция органи ахборот хизматлари томонидан ижтимоий тармоқларда полиция ходимлари фаолиятига нисбатан салбий ахборотлар тарқалишига қарши қўйиладиган йўналишдаги ишлар амалга оширилмоқда:

- 1) ахборот майдонини мониторинг қилиш;
- 2) танланган материалларни тартибга солиш;
- 3) танланган контентларни вақт ва макон жиҳатдан боғлаш;
- 4) салбий видеороликларга экспертлар баҳосини бериш;
- 5) тарғибот роликларини ишлаб чиқиш;
- 6) тарғибот роликларини ахборот майдонига чиқариш.

Шундай бўлса-да, ижтимоий тармоқларда

Россия ички ишлар тизимларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг зўравонлиги, қўпол ва ноҳолис иш олиб бориш ҳолатларига дуч келинмоқда.

Айниқса, ишлаш учун борган меҳнат муҳожирларига нисбатан мамлакат куч ишлар тизимларининг қуйишқондан чиққан ҳолдаги хатти-ҳаракатларини мутлақо оқлаб бўлмайди. Бундай қонунга ҳилоф хатти-ҳаракатлар қораланади ва тегишли тартибда қазийи муносабат билдирилмоқда.

Грузия мисолида гапирадиган бўлсак, бу мамлакат ички ишлар органи тизимини ислохот қилиш қўйиладиган йўналишларда олиб борилди: биринчидан, институционал тарқибий ўзгаришлар, иккинчидан, кадрлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, учинчидан, ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш, тўртинчидан, коррупцияга қарши кураш ва бешинчидан, моддий-техник базани яхшилаш қабилар.

Янги полициячилар очик танлов асосида жалб этилиб, уларда ҳуқуқ-тартибот идораларида тажрибага эга бўлган шахслар иштирок этмайдилар. Номзодларни ёллашда гарб меъёрларига мувофиқ ишлаб чиқилган психологик тестлардан фойдаланилади, бу эса полиция ходимларининг ўртача интеллектуал даражасини ошириш ва беқарор ёки тажовузкор психикага эга бўлган одамлардан воз кечиш имконини беради.

Шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибасига эътибор қаратсақ, улар томонидан телесериаллар ва видеоолаҳалар ишлаб чиқилган. Бунда полиция ҳақида жамоатчиликка ижобий тушуноқларни ҳосил қилиш мақсадида асосий эътибор кўпроқ полиция ходимларининг имижини ташкил этувчи компонентларга қаратилганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Маълумки, азалдан Шарқ жаҳон маданиятининг энг асосий ўчоқларидан бири бўлиб келган. Ана шу буюк маданият ходимларимизнинг маънавий жиҳатдан юксалишига, шубҳасиз, имижини кўтаришга ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиздир.

Азизжон ФАЙЗИЕВ,  
подполковник.

1-6

Хуллас, келишганимиздек, Гулшан қишлоғи худудда бунёд этилаётган "Chortoq Grand Resort" соғломлаштириш ва дам олиш мажмуасида "Chortoq Mineral Water" қўшма корхонаси масъул вакили Бойдада Журбаев билан учрашди. У киши ҳам очик табиати суяр экан, оромгоҳ худудининг баланд ва майин шабада эсиб турган жойида чамаси юз йиллик чинорлар тагига қўйилган сўрига таклиф этди. Назаримда, Бойдада ака билан аввал ҳам қўришгандекман.

— Сиз билан қаердири учрашганга ўхшайман, кўзимга иссиқ кўрингисиз, — деди у ҳам. — Яхшилар билан дўстлашиш осон бўлади, — дея суҳбатимизга илиқлик киритгандек бўлдим.



Қушларнинг сайроқи овозлари жуда ёқимли эди. Бу ердаги ноёб дов-дарахтлар-у алвон гуллар гўзаллигидан бахра олмастик мумкин эмас. Муддаомни эшитган Бойдада ака: "Раҳмат сизга, жуда савобли ишни мақсад қилиб-сиз", деб хурсанд бўлиб кетди.

— Баҳодроннинг отаси Турсунбой акамиз қадамни фоз тутиб юрадиган, истаралари иссиқ, йимони бакуват, кўпчилигининг ғамини ўйлайдиган ажойиб биродарим эди, — деди у. — У киши билан бир марта суҳбатлашган одам беихтиёр хурмати ошар эди. Гапида турадиган, тўғриси, кўнглингизга ёқадиган макбул сўзларни топиб айтадиган, хушмуомала, маданиятли инсон эди. Хотираси кучли, кўп китоб ўқиган, саводи ўткир эди. Ўз вақтида ҳукумат даражасидаги масъул лавозимларда ишлаган бўлсалар ҳам жуда камтарин эди. Ишнинг режалаштириб, айтган вақтида бажарарди. Аммо юмшоқ табиатли бўлса-да, ишнинг ижроси учун қаттиққўл эди.

Шу ўринда ҳаётимда сабоқ бўлган бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Талабалик пайтида бир муаммони ҳал қилиш учун у кишидан ёрдам сўраб илтимос қилгандим. Эртасига соат ўн бирда уйларига боришим керак эди. Нима бўлди-ю, ўн беш дақиқа кечкиб борганман. Шунда қаттиқ койиб, насихат қилгандилар. Шу-шу умримда ким билан учрашиш учун вақт белгиласам, мuddатидан аввалроқ бориб турадиган бўлганман.

У киши Чортоқ тумани аҳли учун катта хизмат қилган. Раҳматли Турсунбой акамиз йигирма километрдан ичимлик суви ва табиий газ олиб келишга бош-қош бўлди. Уйчиға темир йўл тепасидан йўл ўтказгич қурилишини ташкил этди.

Ўз даврининг мамлакатимиз ташки сиёсати даргаларидан бири бўлган. Ўзбекистон билан Ўзаро ҳамкорлик қиладиган мамлакатлар ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни мустаҳкамлашда катта ҳисса қўшган, ўша пайтдаги юрт раҳбари Шароф Рашидовнинг назарига тушган етук сиёсатчи эди.

Яна айтадиган бўлсам, энг улуг хислатларидан бири — қариндош-уруғми, танишми, беғонами — ҳамма учун кўнгли ҳам, эшиги ҳам доимо очик бўларди. У кишининг кўтлуг даргоҳидан ҳеч ким ноумид бўлиб кетмаган. Ҳамага қўлидан келганча беминнат ёрдам берарди.

Етмиш бешга қираётган бўлсам-да, Турсунбой акамнинг ҳаёти ва фаолияти давомида қилган жуда кўп эзгу амалларига ҳавас қилиб, ўзимга устоз деб билиб, ҳали-ҳануз у кишига ўхшашга ҳаракат қилиб яшайман.

\*\*\*

— Қарс икки қўлдан чиқади, деган мақолни отам раҳматли кўп айтарди, — дедим Бойдада акага юзланиб. — Турсунбой акамнинг турмуш ўртоқлари ҳақида ҳам эсласак.

— Ҳа, улар Комилахон келиноийимиз билан биргаликда ҳавас қилса арзийдиган оила қуришганди. Мўминна аҳли аёл қандай бўлади, деса, Комила ҳожи онадек, дей оламан. Мазрифатли, фарзандларига ахлоқ-одобдан, одамлилик мактабидан сабоқ берган ҳақиқий муноси аёл эди. Турсунбой акам билан Комилахон келиноийимиз худди олтин узукка ёқут кўз қўйгандек бир-бирларига мос эдилар.

Комилахон опамизнинг асли касби ўқитувчи бўлган. Узоқ йиллар муаллимлик қилган. Тошкент шаҳридаги иккита мактабда тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаб, "Халқ маорифи аълочилиги" нишонига сазовор бўлган. Ҳожи она Аллоҳга эътиқодли, оилани муқаддас билган ажойиб аёл эди. Ҳаммани бирдек сизлаб гапирарди.

Айниқса, қизларга кўп хислатлар онасидан ўтар экан. Ҳожи онанинг суюкли қизлари Зулхуморхон ва Маликахонлар ҳам худди онасидек оила тутишмоқда.

Катта ўғли Равшанжон очик юзли, тўғриси, қалби пок, илми фарзанд эди. Ёш бўлса-да, тadbиркорликда ҳам кўзга кўриниб қолганди. Ўзидан фақат яхши ном қолдириб, бевақт оламдан ўтиб қолди. Тақдир азалда пешонага не ёзилган бўлса, ҳеч ким ундан қочиб қутулиб кетолмас экан. Аллоҳ ўтганларни раҳмат қилган бўлсин!

Бойдада ака машинасига ўтқазиб, янги бунёд этилаётган "Chortoq Grand Resort" соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси билан таништиради.

"Chortoq Grand Resort" соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси қурилиши 2015 йили бошланган. Жаҳон стандартларига мос даволаш, яшаш ва сервис сифатлари юқори бўлган уникал санаторий-реабилитация марказига айлантириш мақсад қилинган. У нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам ўз ўрнини топади ва минтақанинг юзи бўлган марказлардан бирига айланади.

Қурилишнинг умумий ер майдони 60 гектардан ортиқ. Мажмуада асосий корпус, катта очик ҳавзали кўнгилочар марказ, дам олувчилар учун уй-жой бинолари, диагностика маркази, отхона, "VIP" виллалар, меҳмонхона мавжуд.

Худудда ташкил этилган мевали боғлар ва сабзавот майдонларида етиштирилган эко-

тига кирган бўлар экан, унинг қадрдон дўстларининг кўплари ўтиб кетган бўлса керак, — дедим Бойдада акага қараб. У муддаомни сездим. — Наманганда номи кўпчиликка таникли Ботирали ака Ҳақимов билан дўст бўлишган.

— Ботирали акани яхши биламан, у киши ҳақида ёзган эдим, — деб хурсанд бўлиб кетдим.

Ботирали Ҳақимов билан ҳам учрашдим. У киши ҳам кўп китоб ўқийдиган, матбуотга эътиборли, тафаккур билан фикр юритадиган инсон.

— Муносиб инсонлар ҳақида ёзиб юрасиз, — деб мени руҳлантирди. — Мендан бир ёш катта эди, уни Турсунбой ака деб қақирардим, — дея хотирлади. — Биринчи марта 1972 йили Тошкентда учрашган-

логик тоза, маҳаллий маҳсулотлар меҳмонхона ошхоналари ва ресторанилари таомномасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу эса меҳмонларга соғлом овқатланиш, табиат билан уйғун муҳитда ҳордиқ чиқариш имкониятини тақдим этади.

Дарё сувидан самарали фойдаланиш мақсадида 4 та сунъий сув ҳавзаси барпо этилди. Ушбу ҳавзаларда балик етиштириш йўлга қўйилган бўлиб, улар ресторанилари табиий маҳсулот билан таъминлаш ҳамда меҳмонлар учун балик овлаш ва ҳордиқ чиқариш имкониятларини яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, туманининг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш доирасида махсус ажратилган худудда мактабгача таълим муассасаси барпо этилмоқда. Мазкур лойиҳа орқали қишлоқда яшовчи оилаларнинг фарзандлари учун қўлай, ҳавфсиз ва замонавий таълим муҳити яратилиши кўзда тутилган.

миз. Ўшандаёқ у келажаги порлоқ зиёли, ғайратли, ҳазилкаш инсон сифатида хотирамда қолган. Айниқса, Чортоқ туманига кўп хизмати синган. Туманда биринчи раҳбар бўлган йилларимда нима муаммо бўлса, унга мурожаат қилардим. Турсунбой акадек инсон билан қадрдон бўлганимдан қувониб юраман. Улар ҳақида биз топа олмаган яхши гапларни ёзинг...

Бойдада ака "Чортоқ минерал суви" заводига ҳам олиб борди. Жаҳон андозалари даражасида фаолият юритаётган корхонадаги шароитлари қўриб, бундай корхонада ишлаш катта омад деган фикрга келдим. Бир олам таассуротлар билан Тошкентга қайтдим...

### ЭХТИРОМ

Баҳодрон Абдураимов — кун тартиби жуда тигиз тadbиркор. Шундай бўлса-да, биз билан учрашишга вақт ажратди. Пойтахт марказидаги "Chortoq Mineral Water" қўшма корхонаси



Президентимиз ташаббуси билан қўшимча равишда 12,5 гектар майдон аҳоли учун арзон кotteжлар қуриладиган худуд сифатида ажратилди. Бу ерда 17 та коттеж барпо этилди. Шунингдек, Президент ташаббусларидан яна бири — комплекс жозибдорлигини ошириш мақсадида дунё мўъжизаларидан бўлган "Тож Маҳал" мажмуасининг кичик варианты барпо этилган.

Мажмуада 200 та хонани ўз ичига олган замонавий шарт-шароитлар яратилиши режалаштирилган бўлиб, лойиҳанинг йиллик хизмат кўрсатиш салоҳияти юз минг нафардан ортиқ меҳмонни қамраб олиши кўзда тутилган. Ана шу ишлар кўлами доирасида 300 нафардан зиёд доимий иш ўринлари яратилади.

Мажмуани халқаро даражада самарали бошқаришни ташкил этиш учун жаҳондаги энг машхур меҳмонхона бошқарувчиларидан бири — жаноб Мишель Нобле раҳбарлигидаги жамоа жалб қилинган эътиборга молик. Негаки, бу ерда жамки хизматлар, замонавий шарт-шароитлар дунё талабларига тўла жавоб бериши алоҳида ҳисобга олинган.

Мажмуа худудидаги қудуқдан чиқадиган сувнинг ҳарорати 40-60°С, минераллашуви эса 20-60 г/л ни ташкил этар экан. Бу сув тузларининг таркиби Чехиядаги машхур "Карловы Вары" сиҳаттоҳининг сувига ўхшайди. Асосан, минерал ванналар учун ишлатилади.

Бу турдаги ванналар неврологик ва психиатрия касалликлари, радикулит, артрит, остеохондроз, юрак-қон томир хасталиклари, мия атеросклерози, гормонал бузилишлар сабабли пайдо бўлган аёллар бефарзандлиги, гинекологик муаммолар, семизлик ва баъзи тери касалликларини даволашда самара бериши мутахассислар томонидан тасдиқланган.

—Худудимиздаги ер ости сув манбасидан бўғланиб чиқаётган табиий элементлар, хусусан, йод буғлари ҳавони бойитиб, инсон саломатлиги учун ноёб ва фойдали муҳит яратади, — деди Бойдада ака.

Энди мақсад-муддаога кўчсак, Президентимиз назари тушган ушбу мажмуа қурилиши ва жамки бошқа ишлар бошқара қўриганимиз — Баҳодрон Абдураимов турибди.

— Турсунбой ака ҳаёт бўлганида саксон ол-

бель билан боғлиқ янги тижорат лойиҳасини амалга оширдик. 2010 йилда Англияда рўйхатдан ўтказилган халқаро "Aria Petroleum" компанияси орқали Россия, Қозғистон ва Туркменистондан Ўзбекистондаги нефть корхоналарига ҳомашё ва тайёр нефть маҳсулотларини етказиб беришни йўлга қўйдик. Мардлик, сховават, одамлилик, оқибат, сабр-тоқат борасида ҳам устозим Муҳиддин ака бизларга намуна.

### ШИФО БУЛОҒИ

Суҳбатимизни ҳаммамиз севиб чанқоғимизни қондирадиган "Чортоқ суви" тарихи ва истиқболлари мавзусида давом эттирамиз.

— "Чортоқ суви"ни тadbиркорлик учун танлашимга отамнинг: "Ўз туғилган жойинг учун фойдали бир иш қилсанг яхши бўларди", деган

таклифи сабаб бўлган. Уларнинг сўзларидан руҳланиб, шу лойиҳага қўл урганман. Шу тарихи замонавий соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси барпо этиш гоёси туғилди.

Собиқ шўролар даврида ҳам Чортоқ суви юқори минераллашув даражаси ва қатор шифобахш хусусиятларга эгалиги сабабли суяк-мушкул тизими, аёллар касалликлари, тери муаммолари учун даволашда кенг қўлланилган.

— Соғломлаштириш ва дам олиш мажмуаси қурилиши бошланган, уни сифатли ишлашидаги сув билан таъминлаш фикри пайдо бўлди, — деб тadbиркор ўз сўзини давом эттирди. — Бундай даражадаги мажмуа учун юқори сифатли ўз сувиға эга бўлиш жуда муҳим эди. Эзгу мақсадимизни амалга ошириш мақсадида россиялик бизнес ҳамкорим Сардар Вали Дад Тўл билан биргаликда "Chortoq Mineral Water" қўшма корхонасига асос солдик. Ўшанда завод қуриладиган ер хароб ҳолатда эди. Қурилиш ишлари тезликда олиб борилди ва 2017 йил баҳорида замонавий сув қўйиш линияси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Тайёр суви шунчаки идишга солиш билангина чекланмай, балки уни ернинг ўзи яратган табиий формуласи билан сақлаб қолиш муҳим. Чунки Чортоқ суви Чотқол тизмалари, тоғу тошлари орасидан минералларга тўйинган ҳолда ер юзига чиқади. Биз унга ҳеч нима қўшмай, аксинча, унинг асл таркибини сақлашга ҳаракат қилдик.

Тиббий муассасалар билан ҳамкорликда бу сувнинг саломатликка таъсири таҳлил қилинганда, бир шиша Чортоқ суви таркибиде катта ёшдаги инсон учун кўнглик йод меъёри мавжудлиги аниқланди. Йоддан ташқари сувда гидрокарбонатлар, мағний, кальций ва бошқа микроэлементлар ҳам мавжуд. Бу уни ҳар кун истеъмол қилиш ва кўп касалликларнинг олдини олиш учун идеал маҳсулотга айлантди. Шифобахш Чортоқ суви билан даволанган беморларда умумий ҳолат яхшиланиши, вазн камайиши ва қонда шаккар миқдори барқарорлашиши аниқланган.

Шундай қилиб, 2017 йилда 0,5 литрлик шиша идишларда суви қадоқлай бошладик. Кейинчалик маҳсулот турларини кенгайттирдик. 2018 йилда келиб, Италиядан янги ишлаб чиқариш линияси сотиб олинди ва ишлаб чиқариш қувватимизни икки бараварга оширдик.

— 2019 йилда ҳурматли Президентимиз Шавкат Мирзиёев Наманган вилоятига ташрифи чоғида қурилаётган соғломлаштириш ва дам олиш мажмуамизни кўздан кечирди, — деб у гурур билан ҳикоя қилди. — Давлатимиз раҳбарига мажмуа лойиҳаси ва минерал сувимиз жуда ёқди. У кишининг қўллаб-қувватлаши бизнесимизни ривожиде, брендимизни омалаштиришда катта роль ўйнади.

2020 йили халқаро озиқ-овқат ҳавфсизлиги сертификатларини олдик. Завод қурилиши лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этилди. Озиқ-овқат ҳавфсизлиги



сертификатлари бизга экспорт қилиш имкониятини очди. Божхона Иттифоқи худудларида сув сотиш учун ҳам сертификат олинди.

Ўша пайтлар бизда 1,2 гектар ер ва фақат 800 квадрат метр ишлаб чиқариш-омбор майдони бор эди, ҳолос. Биз 13 000 квадрат метр майдонга эга ишлаб чиқариш-омбор комплексини барпо этдик ва унга Европадан олиб келинган замонавий ишлаб чиқариш жиҳозлари ўрнатилди.

2023 йил ноябрь ойида йиллик ҳажми қарийб 200 миллион литрга тенг бўлган ПЭТ-идишларда сув қўйиш линияси ишга туширилди. Ўтган йил сентябрда эса йиллик 150 миллион шиша идишда сув қўйиш линияси қуриб битказилди. Иккала линия ҳам замонавий — Франция ва Италияда ишлаб чиқарилган.

Суви тайёрлаш эса Германия технологиялари асосида амалга оширилмоқда.

Энг қувончлиси, 2023 йилда Европанинг сифат талабларига мувофиқлик сертификатини олдик. Биз нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Марказий Осиёда минерал суви Европанинг ички бозорига сотиш учун сертификат олган ягона компаниямиз. Европа аудиторлари заводимизни сифат ва озиқ-овқат ҳавфсизлиги жиҳатидан юқори баҳолади.

Барча маҳсулотларимиз учун "HALAL" ва "KOSHER" сертификатларига эгамиз. Шунингдек, сувимизни Жанубий Корея, Мўғулистон, Хитой, АҚШ ва Исроил каби мамлакатларда ҳам сертификатлади.

Ўтган йили завондинг биринчи босқичи кенгайиши лойиҳаси яқунланди. Ҳозир мавжуд ишлаб чиқариши аянда кенгайтириш ва қўшимча инвестицияларни жалб қилиш бўйича янги лойиҳа тайёрланмоқда.

Ўтган йиллар давомида фақатгина бизнесни йўлга қўйиш билан бирга ишонч қозongan бренд яратилди.

2018 йилда ишлаб чиқарилган ва сотилган умумий маҳсулот ҳажми 2 миллион донна атрофида эди. Давлатимиз раҳбарининг заводида ташрифи чоғида сотувларни йиллик 20 миллион доннага етказиш вазифаси қўйилди. Бу топшириқ 4 марта ошириб бажарилди. 2024 йилда сотиш ҳажми 80 миллиондан ортиқ шишага эди.

Ўша пайтдаги лойиҳа бўйича заводга 7 миллион доллар инвестиция сарфлаш режа қилинган бўлса, амалда бу миқдор 20 миллион долларга етди.

Бугун АҚШ, Хитой, Россия, Жанубий Корея, Мўғулистон, Латвия, Исроил, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Таиланд, Сингапур, Туркия каби мамлакатларга шифобахш ва маъданли сув экспорт қилинмоқда. Шу кунларда маҳсулотларни Форс кўрфазини мамлакатларида сертификатлаш ишлари олиб борилмоқда. Зарур ҳужжатлар олинган, БАА ва Саудия Арабистонига экспорт бошланади.

Ҳозирги кунда Чортоқдаги ва Ўзбекистоннинг бошқа нукталаридаги корхоналарда 300 дан зиёд киши фаолият юритмоқда. Ҳар бир ходим учун муносиб меҳнат шароитларини яратишга ҳаракат қилинаётир. Ишчилар соҳадаги иш ҳақи даражасига мувофиқ ва бозор шароитларига мос равишда рағбатлантириляётир.

Эҳтиёмдан инсонлар, ёлғиз оналар ва узоқ вақт давомида барқарор иш топа олмаган киши билан таъминланган. Уларнинг эртанги кунга ишончи ортмоқда.

Мунтазам равишда ходимлар ўқитилиб, малакалари ошириляётир. Қишлоқ ёшларига иш тажрибаси ўргатиш йўлга қўйилган. Маҳаллий мактаблар, спорт секциялари ва боғчалар қўллаб-қувватланмоқда. Бизнес орқали одамларга нафақат маҳсулот, балки имкониятлар ҳам тақдим этиляётир.

Зурриётлар авлодлари изидан борса қандай мароқли! Бугун қаҳрамонимиз — машхур тadbиркор Баҳодрон Абдураимовнинг фарзанди Бобирмирозо Турсунов ҳам бизнесда отасига елкадош бўлиб "Chortoq Mineral Water" қўшма корхонаси директори ўринбосари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ҳа, Аллоҳнинг неъматини ҳисобланган Чортоқ минерал суви шифо булоғи деб атасак хато бўлмайди. Табиий кучини сақлаб қолган тоза ва фойдали Чортоқ суви доврғини жаҳонга танитаётган Баҳодрон Абдураимовнинг фидойилиги эса ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланаётир. У 2021 йили Президентимиз Фармони билан I даражали "Саломатлик" ордени билан тақдирланган бўлса, бу йил "Меҳнат шухрати" орденини Президентимизнинг ўз қўлидан олиш насиб этди.

...Улкан вазифаларни елкасида кўтариб юрган қаҳрамонларим билан фахрланадиган журналистман. Умидим шунки, шояд ёзганларимда таърифи битилган тadbиркоримизга одамларда ҳавас уйғонса, уларнинг қалбларига ҳам ишбилармонлик орузи гулгула солса. Шухратли номини пок асар, шундай улуг мақомга лойиқ умр кечираётган Баҳодрон Абдураимов каби тadbиркорларимизни Яратганининг Ўзи қўллаб, Ўзи асрасин, деймиз.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

**УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН**


# УЮШМАНИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ



Аввал хабар қилинганидек, Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетига Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва мазкур олий таълим муассасаси ҳамкорлигида ташкил этилган “Миллий журналистикамиз тараққиётида Маъмуҳўжа Бехбудий феномени” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтган эди. Ушбу анжуман давомида самарқандлик бир гуруҳ ижодкорларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Тадбирда Уюшма раҳбари Холмурод Салимов юрти-мизда журналистика соҳаси ривожини йўлида амалга оширишга кенг қўлғамли ишлар, медиа соҳа вакиллари учун яратиб берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида сўз юритди. Шундан сўнг Х.Салимов уюшма сафига қабул қилинган янги аъзоларга — Самарқанд давлат университети ректори, сенатор, “Самарқандим” журнали таҳрир хайъати раиси Рустам Холмуродовга ҳамда ушбу журналининг бош муҳаррири Фаррух Ҳамроев ва фотомухбир Шавкат Акрамовага уюшма аъзолик гувоҳномаси, кўрак нишонларини топширди.

**ФИКР**



## ВИРТУАЛ ОЛАМДА ЙЎҚОЛАЁТГАН ЁШЛИК

XXI аср — ахборот ва технологиялар асри. Мана шу ибора қулғимга кўп чалинади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Айнан шу асрда ахборот технологиялари ривожланиши энг юқас босқичга кўтарилди. Аммо шу ривожланиш ёшларнинг, болаларнинг энг қимматли бойлигини — вақтини ўғирламоқда. Ҳаётини заҳарламоқда.

Ижтимоий тармоқлар бугуннинг энг хавфли қурол бўлиб қолди. Шу сабабли доим ўзимга чегара қўйиб юраман: “Инстаграмга кунга бунча соат, Телеграмга шунча, “YouTube”га шунча...” Лекин яширмайман, баъзида бу чегараларга амал қилмайдиган вақтларим ҳам кўп бўлади. Аммо бутунлай чегара нималигини билмайдиган, телефон билан уйғониб, телефон билан ухлайдиган усмирларнинг сон-саногига етиб бўлармикан? Афсуслар билан айтиш жоизки, бугун ҳаёт тарзи “stories”-лар билан кўрсатиладиган, ниқоб остидаги бахтли ҳаёт, муаммосиз иш тизими, фақат сиқилган инсонлар ёки фақат кулгили “вайн”лардан иборатдек. Бу каби мисолларни яна кўп келтириш мумкин. Фақат англамаётган бир нарса бор, бугун ўқиб, ахборот олиш баҳонасида, ота-оналарга фарзандлари жим бўлиши учун, кимларгадир кайфият кўтариши, кимларнингдир дардига малҳам излаётган бу тармоқларда умримиз ўтаяпти. Жуда озчилик англаб етган сирни айтмоқчиман. Бугун бизни хурсанд қилаётган шу қисқагина, аммо наздимизда, маъноларга тўла қўринаётган “reels”лар аслида қурак колга ўхшайди, холос.

Улар вақтимизни, тўғрироғи, умримизни ўғирламоқда. Ҳаёт эса қисқа. Наҳот айна содда шу ҳақиқатни англаш жуда қийин бўлса?!

Дармонжон РУСТАМОВА,  
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

## ТАНИҚЛИ ЖУРНАЛИСТНИНГ ҚУТЛУҒ ЁШИ



Хивада таниқли журналист, “Хива тонги” газетаси бош муҳаррири Шержон Машариповни танимайдиган киши бўлмас керак. Унинг 70 йиллик юбилеи яқин инсонлари, дўстлари, ҳамкасблари, туман ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, соғирдлари даврасида шуқўли ва мазмунли ўтди.

Юбилейга Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори Абдусайд Кучимов, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилояти бўлими раиси Муҳаммадхон Обидов, “Зарафшон” ва “Самарқандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Фармон Тошев ва бошқа ижодкор дўстлар ташир буюриб, Шержон Машариповни қутладилар.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Гавҳаржон Ибодуллаева, “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими вакили Зарифбой Ибрагимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Абдулла Собиров, “Хоразм ҳақиқати” ва “Хорезмская правда” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири Соляжон Раҳимберганаева, таниқли шоир Отабек Исмоилов ва бошқалар устоз-журналистнинг самарали меҳнатлари, оммавий ахборот воситаси нуфузини оширишдаги заҳматлари, фидойилиги ҳақида фахр билан гапирдилар.

Шержон Машарипов 1955 йил 20 ноябрда Хива туманида туғилган. 1983 йилда Тошкент давлат университетининг журналистика факультетини татомлаган. Уқини тугатиб, “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Ёшлар овози” газетаси)да мухбир, бўлим мудири, газетанинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича ўз муҳбири бўлиб ишлади. Сўнг Шовот туманидаги ҳозирги “Шовот истиқболи” газетаси муҳаррири, сўнгра “Хоразм ҳақиқати” газетаси мухбири бўлди. 1988 йилдан ҳозирги вақтгача “Хива тонги” газетаси бош муҳаррири вазифасида фаолият юритмоқда.

Шержон Машарипов 2021 йилда “Шухрат” медали билан мукофотланган.

Тадбирда Хива шаҳар ҳокими Темурбек Давлетов, Хива тумани ҳокими Сардорбек Полванов иштирок этиб, ҳокимликларнинг “Фахрий ёрлиги” ва қимматбаҳо совғаларини устоз журналистга тантанали равишда топширдилар.

## ЁШ ИЖОДКОРЛАР УЧУН ТРЕНИНГ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими томонидан Бухоро давлат университети педагогика факультетининг журналистика йўналиши талабалари учун “Бугунги журналистика: ислохотлар ва янги тенденциялар” мавзусида тренинг ташкил этилди.

Мазкур тренингда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Бухоро вилояти бўлими раиси Гулшода Иброҳимова томонидан интервью олиш маҳорати, тезкор ахборот тайёрлаш, сарлавҳа танлаш

ва материал ёзиш, факт-чекнинг, мобил журналистика (дата-журналистика), жараёнлари жонли ёритиш (Live), кросс-медиа форматида медиамаҳсулотлар тайёрлаш каби замонавий янги медиауналишлар бўйича тушунчалар берилди.

Тренинг давомида талабалар матнга сарлавҳа топиш, интервью тайёрлаш ва қаҳрамон сифатида қатнашиш жараёнида ўзларини синаб кўришди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.



**ЁД ЭТИБ**

Ахбор ака ўз даврининг энг машҳур одамларидан бири эди. Тошкент-ку тушунари — ҳамма кўришга, саломлашишга, халқ тилида айтганда, “қўлларини олишга” иштиёқманд. Бу энг аввало “Пахтакор” билан боғлиқ жараён эди, табиийки. Мухлислар шарҳловчи ўз кабинетларига кириб шарҳлашни бошлаш учун қайси томондан келишларини ҳам билишарди. Шунинг учун қатор туришар, қўл бериб сўрашишга орзуманлар сон-саноксиз бўларди. Ўзлари буни яхши тушунар, лекин иложи борича қисқа-қисқа салом-алик қилиб, ўтиб кетардилар.

Ўша вақтлари “Пахтакор” даҳшатли даражада машҳур, севимли команда эди. Ҳатто Қирғизистон, қўшни Қозоғистон, Тожикистонда ҳам жамоанинг ўз майдонидаги ўйинларга ҳар қўллаб мухлислар стадионнинг ўзида қуриш учун 2-3 кун олдин тайёрларига кўра, кейин уларни яқинлари худди фронтга жўнатгандай, хайр-хўшлашиб кузатишарди. Жамоа галаба қозонса, қишлоқларимизда карнай-сурнай билан кўтиб олишар, чойхоналарда ошлар тайёр бўларди. Аксинча бўлса, бу ёғи ҳам аксинча бўлар, одамлар Тошкентга бориб футбол кўриб қайтаётган “бечора”ларни даргазаб кўтиб олишар, ўзларининг аламларини улардан чиқариб олишарди. Айримлар хатто билдирмай ярим кечада секин ўйларига кириб олиб, 1-2 кун кўринмай юришарди. Қишлоқ аҳли иккига бўлинарди. Футболга қизиқадиганлар ва аксинча. Ана шу аксинчаларни одам ўрнида кўришмасди.

Ҳа, телеминиюралар театрида Эргаш Каримов уйнаган “Тошойна” асли ҳақиқат эди. “Пахтакор” ютса — байрам, аксинча бўлса, уйда жанжал-тўполон қиладиган ашаддий мухлислар кам эмас эди...

Мен ҳам ашаддийларнинг бири эдим. Учинчи синфдагимда юқори синф билан ўйнада оёғимни синдириб олган эдим. Қўшни Мамай қишлоғидаги табиғат кажавали мотоциклда олиб боришгани ҳали ҳам эсимда. Шундан кейин “катта футбол” билан хайрлашганман. Ўйин йўқ кун эди, амаллаб кириб олиб, бўм-бўш секторларни айланиб чиққанман. Ям-яшил майдонга тушиб, майсаларни қўлим билан сила-силаб кўрганман. Чикаётиб, марказий сектор ёнидаги шарҳловчилар хонасини топиб, ойнасидан қараганман ҳам. Қуруқ хона — иккита микрофон бор эди, холос. “Демак, шу хонада Ахбор ака ўтираркан-да” деганман топирлик билан. Ёнида яна битта худди шундай хона бор эди. “Буниси Роман Турпишчевнинг хонаси экан-да” деб ўйла-

гандим. Кейин мунтазам ўйинларга қатнай бошлагач, ўшанда тўғри топганимни билиб, ўзимдан хурсанд ҳам бўлиб кетгандим.

Ва ният қилгандим — доим шу жойда, яъни марказий секторда, шарҳловчилар кабинетининг пастида ўтираман. Не бахти, ниятимга етдим. Доим шу ерда ўтирдим. Доим Ахбор акани кўрадим, шу йўсин Ахбор ака билан танишганимиз. Яқин бўлиб кетгандик. Ўша машҳур шарҳ олиб борадиган кичкинагина хоналарига ҳам кўп кирганман. Чойнак-пиёла, термос, 1-2 та китоб, газета-журналлар, микрофон бўларди, хо-



# МЕНИНГ ҚАДРДОН АХБОР АКАМ...

қўшни Қизил ёзи, Оқтом, Подак қишлоғи футболчилари иштирокида турнир ташкил қиладиган бўлишиди. Ахбор ака катта судья — ҳакам ҳам эдилар-ку, формаларини, хўштак, сарик, қизил карточкаларини ҳам олгандилар. Бир неча уйинга ҳакамлик қилдилар, карточкалар ҳам иш берди...

Шунда қизик бир воқеа ҳам бўлди. Қишлоқ стадионларидаги энг катта муаммо коптонинг бирор қўшнининг ҳовлисига тушиб қолиши машмашалари ҳамма жойда бор. Абдулла ака деган амакининг уйига тўп тушавериб, ўйин-

чилар девордан сакрайвериб, девор бузилар, экин-тикин пайхон бўларди. Охири тушган тўпни ёриб ташлайдиган бўлганди Абдулла ака. Ўша уйинда ҳам шундай бўлди. Тўпни ёраман деб туриб олди. Охири Ахбор акани ишга солдик. Олдига олиб бордим.

— Битта шарт бор. Ахбор ака шунга рози бўлсалар, майли, тўпни ёрмайман. Фақат кечқурун ўзим қўлбопа бир ош дамлайман, келсалар бўлди, — деди тўпкесар. Мен Ахбор акага қарадим.

— Бўлди, келамиз, — дедилар. Қўл олишди. Тўп қайтарилди. Ўйин давом этди.

Кечқурун келиб, Абдулла аканинг ошини едик. Лекин уйининг яна бир хонасида 20 дан ортқ ашаддий мухлислар ҳам ўтирган экан. Ошдан кейин ярим кечагача жуда ширин суҳбат бўлди. Афсус, у вақтларда диктофон деган нарсалар йўқ эди, ёзиб ололмаганмиз. Ахбор акам бир очилдилар, асти қўяверасиз. Кейин Тошкентга қайтач, сўрадим:

— Шунча йиллик қадрдонларимиз, лекин ўша кунги гаплар, воқеаларни ҳеч эшитмагандик. Буларни китоб қилиш керак, қўлма-қўл ўқилади.

— Ҳа, дилим очилиб кетди. Одамлар самими, жон қулқлари билан тинглашди. Мана ҳақиқий мухлислар, ҳақиқий инсонлар.

Ҳозир ўша кунларни эсласам, кўзимга ёш келади... Шу борганларида укам тўй қилган пайтга тўғри келган. Аниқроғи, тўйга меҳмон сифатида олиб борганман. Биздаги футбол ўйинларининг ўз шарҳловчилари, яъни “Ахбор Имомхўжаеви” бор. Камалиддин Деҳқонов деган акамиз футбол ўйинларини жонли тарзда қўлида микрофон билан чопиб, тўп қайси то-

монга ўтса, ўша томонга юғуриб шарҳларди. Акамизнинг шарҳига ўшанда Ахбор ака ҳам тан берган.

Аббосов Аъзамхўжа акамизни 60-йилларнинг охирида “Пахтакор”га тақлиф ҳам қилишганди. Ўша атрофдаги энг машҳур футболчи эдилар-да. Ўйинларига қараб Метрвели дейишарди (ҳозиргилар билмас, лекин эски мухлислар уни яхши билишарди, ўта машҳур футболчи бўлган. Тбилисининг “Динамо”сида ўйнар, со-бик Иттифоқ термасидаги энг маҳоратли ҳужумчи эди...). Лекин акамиз оилавий шариот тўфайли қишлоқда қолиб кетгандилар. Ахбор ака ўшанда эслаб қолган эканлар, орадан неча йиллар ўтиб, қишлоққа қўриб, таниганлар. Шундан кейин анча йиллар борди-келди қилиб юришди. Эсимда, акамиз Тошкентга Олой бозорига олма сотгани бир машина олма билан келганларида, 2 яшиқ олма, нок олиб, Ахбор аканинг уйига йўқлаб борганмиз (Олой бозоридеги олма, нок сотувчилар, асосан, Қирғизистон томондан келешарди. Яқинда атай ўтдим. Бозор ҳувиллаб қолгандай. Лекин замонавий тазмирланибди — А.А.) Ўшанда мени хайрон қолдирган ҳолат — Ахбор ака Тошкентнинг Камолон маҳалласида

эски лойсувоқ уйда бир уй фарзандлари билан оддийгина яшашаркан. Ҳеч тасаввур қилолмагандим. Шундай машҳур одам ҳам шунчақ оддий яшайдики?! Кейинроқ ўзларига айтсам, роса мириқиб куддилар...

Ҳа, чиндан ҳам ота-боладай бўлиб кетгандик. Шу йўсин қишлоққа олиб келганман-да. Қишлоғимиз аҳли футбол учун жон беришга тайёр ашаддий ишқибозлар. Давра-давра бўлиб суҳбатлар қилганмиз. Шунда қизик бир воқеа бўлган. Одамлар уйда нима китоб бўлса кўтариб келиб: “Шунга қўл қўйиб берин”, дейишарди. Ахбор ака тўғри одам эмасми: “Ахир бу менинг китобим эмас-ку!” деб хайрон бўлган. Одамлар: “Майли, ёзиб бераверин”, деганларидан кейин минг хижолат билан яхши-яхши тилаклар билдириб, дастхат ёзиб берганлар.

Кейинги суҳбатларимизнинг бирида Ахбор акага анчадан бери ўйлаб юрган ниятимни айтдим.

— Ахбор ака, ўзбек футболини сизчалик билладиган одам йўқ. Шуларни китоб қилиш керак. Халқ ўқисин, халқ билсин. Мана мен ноширман. Чоп этамиз, — дедим.

Ахбор ака барибир содда, тўғри одам эдилар. “Китобни ёзувчилар ёзади-ку”, деб рўйхушлик бермаганлар. “Сиз ўзбек футболининг тирик тарихисиз, ҳеч ким сизчалик бу соҳани билмайди. Сиз ёзсангиз, ким ёзади?” деявериб, охири кўндириганман.

Шу йўсин у кишининг “Мафтунингман, футбол”, “Пахтакор — қувончим, дардим”, “Ўзбекистоннинг Миржалол” китоблари чоп этилди.

Бу китоблар қўлма-қўл бўлиб кетганди. Ўзим ҳар бирдан 20 талаб олиб қўйгандим. Ихчамгина кутубхонам бор. Ким келса, китобларни маза қилиб кўришар, лекин Ахбор аканинг китоблари шу зайл камайиб борарди...

Мен футболсевар, китобсевар юртдошларимдан ҳафза бўлмасдим. Лекин шу китоблардан ўзимда ҳатто бир дона ҳам қолмаган. Балки Ахбор акамизнинг ўғиллари — Абборда бордир. Уйига борганда мен ҳам “ўғирлаб” келарман... Ахир, китобнинг ўғриси бўлмайди дейишадди-ку.

Бутун умрини футболга бағишлаган бу инсоннинг орзулари тўла-тўқис ушадди. Фарзандлар, набиралар ҳам ҳаётлари, келажакларини футбол билан боғлашган. Катта ўғил Абборнинг ҳам ҳаёти футболда кечди. Шу соҳани ёритадиган яхши журналист бўлди. Зафар Олимфия қўмитасида масъул лавозимда ишляпти. Небаралари Диёр ўзбек футболининг энг масъулятли лавозимда ишляпти — Ўзбекистон футбол федерациясининг бошлиғи.

Оҳ, қани эди, шу кунларни қадрдонимиз — Ахбор ака кўрганларида эди...

Ахбор АХМЕДОВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

ТАРИХ ВА ТАЛҚИН

Собиқ шўролар даврида унинг марказий вазири, идораларида ўтказилган йиғилишларда, телевидение, радио ва газета-журналларда “славян республикалари наинки ўзларини, балки Марказий Осиё, Кавказ ва Болтиқбўйи республикалари халқларини ҳам боқади. Агар биз ёрдам бермасак, мазкур республикалар аҳолиси жуда қийналиб қолган бўларди. Улар ҳам-маси боқиманда” деган гап-сўзлар жуда кўп айтилиши оддий бир ҳол эди.

Славян республикаларининг машҳур ёзувчи, журналист ва олимлари ҳам ОАВда шундай мазмунда тез-тез чиқишлар қилиб туришарди. Мен 1990-1992 йилларда Санкт-Петербургда докторантурада таҳсил олган пайтларимда бундай ҳолатларни ичидан кўзатганман.

Собиқ СССРнинг охириги йилларида бундай хатти-ҳаракатлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетди. Чунки бу даврда иттифоқдош республикаларда собиқ коммунистик тузумдан қочиш, мустақил бўлиб яшашга интилиш хатти-ҳаракатлари бошланган ва улар тобора кучайиб бораётган давр эди. Ана шундай вазиятда мустақилликка эришиш учун ҳаракат қилаётган халқларга қарата: “Мустақил бўлсанглар, сизларни ким боқади? Бизнинг молиявий ёрдамсиз оч қоласизлар-ку”, қабилидаги чиқишлар ҳаддан ташқари ортиб кетганлигининг сабаблари шунда эканлиги бу масаладан хабардор инсонлар учун бугун сир эмас.

Бу тахлит иддаолар ҳамон давом этмоқда

Бундан 30-40 йиллар аввалги бу ноҳус воқеалар ҳақида эсламаслигимиз мумкин эди. Чунки бу масала ўз вақтида нотўғри кўтарилганлиги, Ўзбекистон ҳеч қачон боқиманда республика бўлмаганлиги, аксинча, у яратган бойлик ва даромадларнинг катта қисми собиқ Иттифоқ ҳукумати томонидан доимий равишда ўз ихтиёрига олиб қўйилиб келганлиги аллақачон исботланган.

Лекин, бахтга қарши, айнан айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида “СССР даврида биз сизни боқар эдик” қабилидаги чиқишлар ҳозирга қадар давом этиб келяпти.

Ана шундай чиқишлардан бирига мисол сифатида жорий йилнинг 29 июнь кўни интернетнинг “masterok.livejournal.com” сайтида Алексей Балиев номли муаллиф ёзган “Уникальность Узбекистана обоглась России в 700 миллиардов долларов” номли мақолани кайд эйтишим мумкин (мақолада ишлатилган барча рақамларнинг расмий манбалари таҳририятга тақдим этилган – муаллиф).

Балиевнинг мақолиданинг иқтисод: “Иттифоқ марказининг (яъни собиқ Иттифоқ марказининг республикага (Ўзбекистон назарда тутилган) киритилган капитал қўйилмалари, буювчи жорий курс ва нархларда қайта ҳисобланган тўғридан-тўғри ва билвосита субсидиялари 700 миллиард доллардан ошди. Ўзбекистон, Қозғистон ва минтақа (Марказий Осиё) дави бошқа республикаларнинг комплекс иқтисодий-иқтисодий ривожланишида Россиянинг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга эди”.

Бунга жавобан кўпчиликка тушунарли шаклда кўрсатиб бериш учун энг самарали усул — Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги давлат бюджетининг таркибини таҳлил қилиб чиқайлик. Шунда ҳамма нарса дарҳол ойдинлашади.

Ўзбекистон давлат бюджетини мустамакка давлат бюджетини шаклида ташкил этилган эди

Собиқ СССР мустамаккачилик сиёсатининг туб моҳияти Ўзбекистон давлат бюджетини даромадларини шакллантириш жараёнида ҳам яққол кўринади. СССР пайтдаги Ўзбекистон давлат бюджетини даромадларини ташкил этиш тартиби-қоидалари мустамакка давлат бюджетининг айнан ўзи эди. Ўзбек халқи яратган бойликларнинг катта қисми собиқ Иттифоқ ихтиёрига олиб кетилар ва шу сабабли у Ўзбекистон давлат бюджетига тушмас эди.

Масалан, шўролар даврида мулк 3 та гуруҳга бўлинган: Иттифоқ мулки, республика мулки ва маҳаллий ҳокимият мулки. Муайян бюджетнинг даромадлари, биринчи навбатда, шу бюджет хизмат қиладиган ҳукумат тасарруфидида мол-мулкдан тушадиган солиқ ва тўловлардан ташкил топади. Собиқ Иттифоқда ишлаб чиқариш корхоналарига эгаллик масаласи эса ҳақиқий мустамакка тузумига хос равишда ташкил қилинган эди. Яъни Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг энг йирик ва даромадлилари Иттифоқ мулки ҳисобланарди. Жумладан, Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий тоғ-металлургия комбинати, Олмалик қон-металлургия комбинати, Навоий кимё комбинати (бугун “Навоийазот”), Бекобод металлургия комбинати, Чирчиқ электромимё комбинати, Тошкент трактор заводи, Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводи, “Фаргона азот” заводи каби Ўзбекистон саноатининг асосини ташкил қилувчи энг улкан корхоналар Иттифоқ ҳукумати “мулки” ҳисобланарди.

Бу корхоналарда ишлайдиган юз минглаб ўзбекистонлик ишчиларнинг топган даромадлари тўлалигича тўғридан-тўғри Иттифоқ бюджетига тушарди. Улар қилган меҳнатлари учун фақат иш ҳақи олишарди, ҳолос.

Ҳолбуки, мазкур корхоналар жуда катта даромад яратишарди. Лекин бу даромадлар ўзбек халқига теғмас, Иттифоқ ҳукумати ва бюджетини бойитишга хизмат қилган. Масалан, Тошкент авиация бирлашмаси 1970 йилларнинг охири — 1980 йилларнинг бошида ойига 5-6 та ҳарбий-транспорт самолёти ишлаб чиқарар ва уларни сотишдан келган даромад Иттифоқ ҳукумати ихтиёрига олиб қўйиларди.

Ўзбекистон табиий бойликларга бой маскан, лекин уларнинг аксарияти Иттифоқ ҳукуматининг тасарруфидида бўлган. Шу боис улардан келадиган даромаднинг асосий қисми ҳам республика бюджетига эмас, Иттифоқ бюджетига тушган.

Республикада ўша пайтларда йилга ўртача 80 тонна олтин қазиб олинар ва у тўлалигича

# АСЛИДА КИМ КИМНИ БОҚАР ЭДИ?

## Ёхуд собиқ Иттифоқ даврида мамлакатимиз бойликларини аёвсиз ташиб кетиб, юртимизни “боқиманда эди” деганларга жавоб



Одил ОЛИМЖОНОВ, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

собиқ Марказ ихтиёрига олиб кетиларди. Катта миқдорда мис, вольфрам, молибден каби рангли металллар қазиб олинми, у қайта ишлаш мақсадида Ўзбекистондан Россия, Украина ва Қозғистонга олиб кетилган. 1990 йилнинг ўзига республикадан олиб кетилган мис, вольфрам ва молибденнинг баҳоси 570 млн АҚШ долларига тенг бўлган. Собиқ Иттифоқда фаолият кўрсатган атом электр станциялари ёқилгиси ва ядро қуроли ишлаб чиқариш хомашисининг 40 фоизи Ўзбекистоннинг Навоий тоғ-металлургия комбинати маҳсулотиди эди.

Энг йирик мол-мулк ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда табиий бойликларни Иттифоқ ҳукумати ва бюджетини ихтиёрига олиб қўйиш Ўзбекистонни “биринчи талаш” эди.

Солиқларнинг асосий қисми Иттифоқ бюджетига йирилган

Шўролар даврида СССР давлат бюджетини икки қисмдан иборат бўлган: Иттифоқ бюджетини ва иттифоқдош республикалар давлат бюджетлари. Маблағларнинг катта қисми Иттифоқ бюджетига йирилган. Жумладан, 1988 йили СССР ҳудудидида йирилган барча даромадларнинг 53,4 фоизи, 1989 йилда эса 50,7 фоизи Иттифоқ бюджетига тушган. Иттифоқ бюджетини маблағлари СССР ҳукуматининг, иттифоқдош республикалар давлат бюджетларини эса ўз ҳукуматларининг вазифа ва тадбирларини молиялаштирган.

СССРнинг охириги йилларида қадар амал қилган қонунчилик бўйича куйидаги солиқ, тўлов ва даромадлар Иттифоқ бюджетига тушар эди: — корхона ва ташкилотлардан олиннадиган оборот солиғи (иттифоқдош республикалар давлат бюджетларига бериладиган қисмидан ташқари);

— Иттифоққа бўйсунадиган давлат бирлашмалари (корхоналари), хўжалик ташкилотларидан олиннадиган ишлаб чиқариш фондлари учун тўловлар, маблағларнинг эркин қолдиғи взнослари (бадаллари), қатъий тўловлар, фойдадан ажратмалар;

— аҳолидан олиннадиган даромад солиғи (иттифоқдош республикалар давлат бюджетига бериладиган қисмидан ташқари);

— божхона даромадлари;

— давлат ихтимой сугурта маблағлари (пенсия тўлаш учун иттифоқдош республикалар давлат бюджетига бериладиган қисмидан ташқари);

— геологоразведка ва геологик қидирув ишлари бўйича харажатларни қоплаш учун олиннадиган ажратмалар;

— давлат ички ютуқли заёмини сотишдан келган маблағларнинг 50 фоизи;

— СССР қонунчилигида кўзда тутилган йиғимлар ва солиқ характериға эга бўлмаган турли даромадлар.

Иттифоқдош республикаларнинг давлат бюджетларига тушадиган солиқ, тўлов ва даромадлар рўйхати:

— СССР давлат бюджетини тўғрисидаги қонунда хар йил белгиланадиган иттифоқдош республикалар ҳудудидида йиғиладиган оборот солиғидан ажратмалар;

— республика ва маҳаллий бўйсунувдаги бирлашмалар (корхоналар), ташкилотлардан йиғиладиган фойдадан тўловлар;

— кооператив, жамоат корхоналари ва ташкилотларидан олиннадиган даромад солиғи;

— аҳолидан олиннадиган даромад солиғининг 50 фоизи;

— давлат ички ютуқли облигациялари ва пул-буюм лотереяларини сотишдан йиғилган тушумларнинг 50 фоизи;

— колхозлардан тушадиган даромад солиғи;

— қишлоқ хўжалиғи солиғи;

— турмуш қурмаган, ёлғиз ва оила сони кам фуқаролардан солиқ;

— ўрмон даромади;

— давлат ихтимой сугурта маблағларидан пенсия тўлаш учун иттифоқдош республикалар давлат бюджетига бериладиган маблағлар;

— давлат божи, кинофильмлар намойиш қилишдан йиғиладиган даромадлардан олиннадиган солиқ, маҳаллий солиқлар;

— ижара даромадлари ва шаҳар ер участкаларини саклаш ва яхшилаш харажатларини қоплаш учун йиғиладиган тушумлар;

— мақсадли маблағлар тушумлари;

— йиғимлар ва солиқ характериға эга бўлмаган турли даромадлар.

СССР ҳудудидида йиғиладиган солиқ, тўлов ва даромадларни Иттифоқ ва иттифоқдош республикалар бюджетларини ўртасида тақсимлаш тартибидан кўриниб турибдики, уларнинг энг йирик ва асосий турлари СССР давлат бюджетига тушар эди.

Ўзбекистон мулки ва аҳолисидан йиғиладиган солиқларнинг асосий қисми ҳам олиб қўйилган

Бундан ташқари, Ўзбекистонга тегишли мулкдан йиғиладиган солиқ ва тўловлар ҳамда аҳоли тўлайдиган солиқларни тасарруф қилишда “иккинчи талаш” амалга оширилди. Яъни Ўзбекистон ҳудудидида фаолият кўрсатадиган ва республикага тегишли мулк ҳисобланадиган корхоналар тўлайдиган солиқларнинг энг йириклари ҳам Иттифоқ даромади ҳисобланарди.

Давлат бюджетини даромадларини ташкил қилишнинг тартиби шундай эдики, ҳатто иттифоқдош республика аҳолиси тўлайдиган солиқларнинг энг йирик қисми Марказга олиб қўйишни тушуниш қийин эди.

Ўзбекистон иқтисодиёти кўпроқ хомашё ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Қайта ишлаш эса бошқа республикаларда амалга оширилди.

Масалан, рус мутахассисларининг фикрича, 1990 йили Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 1,637 миллион тонна пахта толасининг 70 фоизи бошқа иттифоқдош республикаларга экспорт қилинган.

Натижада Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилда давлат бюджетининг камомади (дефицити) унинг умумий харажатларига нисбатан 44 фоиздан зиёди ташкил қилди.

Ўзбекистон давлат бюджетини бундай қутулмаган ҳолатга тайёр эмасди, шу сабаб унинг иқтисодиёти ва бюджет тизими бутунлай издан чиқиб кетиш хавфи остида қолди.

СССРнинг охириги йилларида вазият янада мураккаблашди

1990 йилдан СССРнинг параналаниши тезлашди, давлатни бошқаришнинг узок йиллардан бери амал қилиб келган тизими бузила бошлади, инфляция даражаси кўтарилиб кетди. Натижада СССР давлат бюджетининг 1990-1991 йилги кўрсаткичлари объектив реалликни ифодалай олмай қолди. Негаки, инфляция жуда юқори эди ва унинг ўсиш даражасига қараб, давлат бюджетини кўрсаткичлари йил давомида қайта-қайта ўзгартириб борилди. Шу сабабларга кўра бу мақолада эғишда ана шу йиллардаги давлат бюджетига тегишли рақамлар ишлатилмади, чунки йил давомида бир неча ўн мартабала ўзгарган рақамларни ишлатишнинг манғиси йўқ эди.

Оқорида келтирилган жадвал шохидлик бериётгани, Иттифоқ бюджетидан Ўзбекистон бюджетига бериладиган молиявий кўмакларга доир рақамларнинг ҳаммаси СССР давлат бюджетининг харажатлар ва Ўзбекистон давлат бюджетининг даромадлар қисмида аниқ кўрсатиб қўйиларди. СССР ва Ўзбекистон давлат бюджетлари кўрсаткичлари очик эълон қилинганлиғи учун бу рақамларни кўпчилик билмиш табиий эди.

Шу тариха “биз Ўзбекистонни боқамиз. Ўзбекистон узини ўзи боқмайди”, деган асоссиз “ақиди” уйлаб топилган ва у собиқ Иттифоқ халқларининг руҳига синдириб юборилган эди. Шунга ўхшаш бошқа бир мақоланинг муаллифлари Парамонов ва Строковлар фикрича, СССР даврида Россия ва Белоруссия “донор” республикалар бўлган. Молдавия, Украина ва Қозғистон деярли узини ўзи боққан. Ўзбекистон ва бошқа республикалар эса ўзи

жиҳати шунда эдики, хомашё ва ундан тайёрланадиган тайёр маҳсулотларнинг фойда нормаси бир-бирдан 5-15 баравар ва ундан кўпроқ фарқ қиларди. Яъни қайта ишловчи корхоналар хомашёни етиштирувчиларга нисбатан анча баравар кўп фойда олишарди.

Ўзбек деҳқони 1 тонна пахта толаси учун 2000 рублга яқин пул олса, шу миқдордаги хомашёни қайта ишлашдан 30 минг рублдан кўпроқ, яъни 15 баравардан кўпроқ суммада маҳсулот олиш мумкин эди. Масалан, пахта хомашёсини бирлашиб қайта ишлашда ундан мато олинарди. Мато ишлаб чиқарувчи корхона бир бирлик маҳсулотдан пахтани етиштирувчиға нисбатан 7-9 ва ундан кўп баравар фойда оларди ва у фойда оборот солиғи шаклида бюджетга тушарди.

Матодан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришда олиннадиган фойда бундан ҳам кўп бўларди ва у ҳам оборот солиғи таркибидида бюджетга олинарди. Пахта хомашёсидан мато ишлаб чиқарадиган ва тайёр кийим тикадиган корхоналарнинг энг йирик ва асосий қисми Россия, Украина ва Белоруссия республикаларида жойлаштирилганлиғи учун у тармоқлардан олиннадиган улкан миқдордаги фойда корхонанинг бўйсунув даражасига қараб Иттифоқ ва ўша республикалар бюджетларига йиғилар эди. Бу орқали Ўзбекистонни “учинчи талаш” юз берарди.

Шу тариха Ўзбекистон ҳудудидида ишлаб чиқариш корхоналари томонидан яратилган даромад ва республика аҳолиси тўлайдиган солиқ ва тўловларнинг асосий қисми Иттифоқ ва бошқа республикалар бюджетига олиб кетиларди.

Натижада республика бюджетига даромад етмасди

Ана шундай қайта-қайта талаш оқибатида Ўзбекистонда қолдирилган даромад унинг бюджетини даромад қисмини ташкил этишга етмаслиғи табиий эди. Масалан, қуйида келтирилган жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1987-1989 йилларда Ўзбекистон давлат бюджетини даромадлар қисмининг ўртача 23,5 – 28,4 фоизи собиқ Иттифоқ бюджетидан республикага бериладиган субвенция ва турли мақсадли тадбирлар ўтказиш учун республика ҳудудидида йиғилган солиқларнинг бир қисмини гўё Марказнинг марҳамати сифатида республика бюджетига қайтариб бериладиган қисмидан иборат эди.

СССРнинг охириги йили, яъни 1991 йилда Ўзбекистон учун янада оғир молиявий аҳвол юзага келди. Иттифоқ раҳбарияти билан муроасаи кураш йўлига ўтган Россия Федерацияси ҳукумати СССР давлат бюджетига Россия ҳудудидан ийгиб олиннадиган маблағларнинг Иттифоққа тегишли қисмини ўша пайтда амал қилган қонунчиликка зид равишда бермай қўйди. Мазкур ҳолат СССР Иттифоқ бюджетидан Ўзбекистонга қайтиши режалаштирилган субвенция ва бошқа маблағларнинг бутунлай тўхтаб қолишига олиб келди.

Натижада Ўзбекистон мустақилликка эришган 1991 йилда давлат бюджетининг камомади (дефицити) унинг умумий харажатларига нисбатан 44 фоиздан зиёди ташкил қилди.

Ўзбекистон давлат бюджетини бундай қутулмаган ҳолатга тайёр эмасди, шу сабаб унинг иқтисодиёти ва бюджет тизими бутунлай издан чиқиб кетиш хавфи остида қолди.

СССРнинг охириги йилларида вазият янада мураккаблашди

1990 йилдан СССРнинг параналаниши тезлашди, давлатни бошқаришнинг узок йиллардан бери амал қилиб келган тизими бузила бошлади, инфляция даражаси кўтарилиб кетди. Натижада СССР давлат бюджетининг 1990-1991 йилги кўрсаткичлари объектив реалликни ифодалай олмай қолди. Негаки, инфляция жуда юқори эди ва унинг ўсиш даражасига қараб, давлат бюджетини кўрсаткичлари йил давомида қайта-қайта ўзгартириб борилди. Шу сабабларга кўра бу мақолада эғишда ана шу йиллардаги давлат бюджетига тегишли рақамлар ишлатилмади, чунки йил давомида бир неча ўн мартабала ўзгарган рақамларни ишлатишнинг манғиси йўқ эди.

Оқорида келтирилган жадвал шохидлик бериётгани, Иттифоқ бюджетидан Ўзбекистон бюджетига бериладиган молиявий кўмакларга доир рақамларнинг ҳаммаси СССР давлат бюджетининг харажатлар ва Ўзбекистон давлат бюджетининг даромадлар қисмида аниқ кўрсатиб қўйиларди. СССР ва Ўзбекистон давлат бюджетлари кўрсаткичлари очик эълон қилинганлиғи учун бу рақамларни кўпчилик билмиш табиий эди.

Шу тариха “биз Ўзбекистонни боқамиз. Ўзбекистон узини ўзи боқмайди”, деган асоссиз “ақиди” уйлаб топилган ва у собиқ Иттифоқ халқларининг руҳига синдириб юборилган эди. Шунга ўхшаш бошқа бир мақоланинг муаллифлари Парамонов ва Строковлар фикрича, СССР даврида Россия ва Белоруссия “донор” республикалар бўлган. Молдавия, Украина ва Қозғистон деярли узини ўзи боққан. Ўзбекистон ва бошқа республикалар эса ўзи

ишлаб чиқарган маҳсулотни ва яратган даромадига нисбатан кўпроқ маҳсулот истеъмол қилган, яъни боқиманда бўлган. Собиқ СССР даврида бундай мақолалар жуда кўп ёзилган, бу ҳолат ҳозиргача давом этиб келяпти.

Аслида ким кимни боқарди?

Бу фикрлар асоссиз эканлигини оқоридаги далиллар ҳам кўрсатиб турибди. Бу масала бўйича яна бир мисол келтириш мумкин. Академик И.Искандеровнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистондан 1988 йилда олиб кетилган хомашё ресурслари уларни қайта ишловчи республикаларда 40 миллиард рубль миллий даромад олиш учун моддий асос яратиб берган. Ўзбекистонда эса ўша йили олинган миллий даромаднинг умумий миқдори 23 миллиард рубль бўлган.

1988 йили Иттифоқ бюджетидан Ўзбекистонга берилган молиявий кўмакнинг умумий суммаси эса 2,8 миллиард рубль, 1989 йили эса 3,4 миллиард рубль бўлган. Ана шу рақамлардан ҳам Ўзбекистонга Москвадан берилган ёрдамга қараганда бу юртдан Иттифоққа ташиб кетилган ва олиб қўйилган бойлик ва даромадлар анча баравар кўп эканлиғи кўриниб турибди.

Бу рақамлар фақат қишлоқ хўжалиғи хомашёларини бўйича келтирилди. Хомашёлар Ўзбекистондан собиқ Марказга ташиб кетилган бойликлардан олиб бўлган, ҳолос. Ўша пайтларда юртимиздан олиб кетилган бойликлар бундан анча баравар кўп эканлиғи оқорида қайд этилди. Лекин биргина қишлоқ хўжалиғи хомашёларини қайта ишлашдан олинган даромад Иттифоқ бюджетидан Ўзбекистонга бир йилда берилган молиявий ёрдам ҳажмидан 12-15 баравар кўп эканлиғи собиқ Иттифоқ Ўзбекистонни боқмаганлиғидан яққол гувоҳлик беришти.

Аксинча, Иттифоқ билан Ўзбекистон ўртасида мол-мулк адолатли тақсимланиб, солиқларни Иттифоқ (СССР) ва республика (Ўзбекистон) бюджетларига тақсимлаш тартиби адолатли ўрнатилиб, ҳисоб-китоблар ҳам тўғри ташкил қилинганда, аслида, республикамиз “донор” эканлиғи яққол кўринган бўларди.

Шундай қилиб, мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистоннинг давлат бюджетини ўта оғир аҳволга тушиб қолганди. Юқорида бундай ҳолат юзага келганлигининг сабаблари кўрсатиб берилди.

Ўша даврда Ўзбекистон давлат бюджетининг шундоқ ҳам мураккаб ҳолатини қаттиқ оғирлаштирган яна бир ноҳус воқеа юз берди. Яъни Ўзбекистон 1990 йили 12 миллиард АҚШ доллари миқдорда экспорт қилган. Унинг 15 фоизи Польша, Чехословакия, Венгрия, Болгария каби собиқ социалистик давлатларга тўғри келган. Бу 1,2 миллиард АҚШ долларига тенг суммани ташкил қиларди.

\*\*\*

1991 йил 24 декабрда Россия Федерацияси ҳукумати барча ҳисоб-китоблар бўйича ўзини СССРнинг ҳуқуқий мероси, деб эълон қилди ва унинг барча активларини ўз тасарруфига ўтказди. Собиқ СССРдан қолган барча мол-мулк, даромадларни ҳам Россия олиб қўйди.

Шу тариха, Ўзбекистон экспортчи корхоналарининг ҳисоб-китобларидаги валюта тушумлари ҳам Москва ихтиёрига ўтиб кетди. Бу ишни ташкил қилиш жуда осон эди, чунки у пайтда СССРдаги барча корхона ва ташкилотларнинг ташқи савдо ва халқаро ҳисоб-китоблари битта банкда, яъни “Внешторгбанк” да амалга оширилган эди.

Тўғри, СССРнинг бошқа давлатлардан қарзлари ҳам бор эди. Уларга жавобгарлик ҳам Россия Федерациясига ўтди. Лекин 1991 йил охирига ҳисоблаганда, СССРнинг ташқи қарзидан бошқа давлатларнинг СССРдан қарзи кўпроқ бўлган. Демак, Россия олиб қўйган валюта даромадлари ўша пайтда оғир аҳволда бўлган Ўзбекистон давлат бюджетини учун муҳим молиявий кўмак бўлиши мумкин эди.

Мухтасар айтишда, шўролар ҳудудда хуим сурган маъмурий-бўйрукбозлик ҳамда қатъий марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизми, энг йирик ва сердаромад мол-мулк ва корхоналарнинг Иттифоқ тасарруфидида эканлиғи, уларнинг даромадлари ва табиий бойликлар СССР ҳукумати ихтиёрига олиб кетилганлиғи, Марказ ва Ўзбекистон ўртасидидаги ҳисоб-китобларнинг мустамаккачилик сиёсатиға хос ишлаб чиқилганлиғи, республика иқтисодиёти бирёқлама ривожлантирилганлиғи, асосан, хомашё етиштириш ва ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилганлиғи, пахта яққаҳокимлиғи каби омиллар “Ўзбекистон узини ўзи боқмайди” деган бутунлай асоссиз ва ёлғон гап уйлаб топилмишга асос бўлган ва у ҳақида ҳамма ёқда ҳар солишарди.

Мазкур мақолада бу фикрнинг ҳеч қандай асосга эга эмаслиғи собиқ шўролар даврида эълон қилинган расмий статистик ахборот ва рақамлар ёрдамида исботлаб берилди. Алексей Балиев ёзган “Россия Ўзбекистонга 700 миллиард долларлик ёрдам кўрсатган” деган фикр мутлақо пуч эканлиғи, аксинча, Ўзбекистоннинг бойлиғи ва даромадини олиб юрганлиғи аниқ мисол ва рақамлар ёрдамида кўрсатилди.

СОБИҚ ИТТИФОҚ БЮДЖЕТИДАН ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА БЕРИЛГАН СУБВЕНЦИЯ ВА ЁРДАМЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ				
Номи	1987 йил	1988 йил	1989 йил	
СССР давлат бюджетини харажатлари (млн сўм)	430930,2	459525,6	482633,1	
Ўзбекистон давлат бюджетини даромадлари ҳажми (млн сўм)	10163,8	10949,3	12014,8	
Жумладан, Иттифоқ бюджетидан Ўзбекистон давлат бюджетига берилган жами ёрдам (млн сўм)	2382,9	2760,8	3414,0	
фоизда	23,5 %	25,2 %		

ХАМКАСБ

# ОЛМОСНИНГ КОМИЛ ФАРЗАНДИ

**Турнакўз булоқларинг,  
хузурбахш кучоқларинг,  
Қор аримас тоғларинг мафтуниман,  
Олмосим!**  
**Меваларим бол десанг,  
мендан илҳом ол десанг,  
Огушимда қол десанг,  
мумкинмикан қолмасим?!**

Шоир, таниқли журналист, жамоат арбоби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Эрмухаммад Нурматов ўзи таваллуд топган, ўсиб-улгайган, Серкўёш Ўзбекистонимизнинг бебаҳо дурдонаси, сўлим ва гўзал гўшаларидан бири Олмос қишлоғини ижодий асарларида жўшиб куйлайди. Олмоснинг бир томони ўрқач-ўрқач тоғлар, қир-адирлар билан туташиб кетса, иккинчи томони ям-яшил далалар, ўтлоқлар, минг даргда даво мевали боғлар билан бурканган, тоза ҳавоси ила машҳур баскандир. Қишлоқнинг қоқ ўртасидан Олмосоқ оқиб ўтади. Гўзал табиат кўйида қад ростлаган бу қишлоқ одамлари юзлари тиниқ, бағрикенг, муфаррих, мард, бир сўзли кишилардир. Бобо-момоларимизнинг айтишларича, қишлоқ қизлари фариштадай бўлиб, ўзга қишлоқларга узатилмас эканлар. Бу гапда ҳам жон борки, гўё Олмосдан ташқарига узатилганлардан дунёга келадиганларнинг чиройига, насл-насабига путур етар эмиш.

Олмос қишлоғининг табиати бетакоррлиги ижод аҳлига ҳам чексиз илҳом бағишлайди. Ўзбекистон Қаҳрамони, ёзувчи Саид Аҳмад ҳам ўз асарларида Олмоснинг таъриф-тавсифини тилга олиб ўтган. Машҳур ёзувчи, журналист Йўлдош Шамшаров, шоир Эрмамаат Нурматов, Ўзбекистон халқ артисти Занжирали Мирзатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Насиба Қамбарова ва бошқа номдор кишилар шу гўзал масканнинг фарзандларидир.

Олмос қишлоғининг баҳор ойлари ҳам ўта файзли бўлади. Ҳали баланд тоғлар чўққисидаги қорлар эриб улгурмаган, кўзни қамаштиради. Тоғ ёнбағирларидаги қир-адирлар кўм-кўк майсаларга бурканган. Ариқ бўйидаги ялпизлар, жийдалар гулининг дилларни яйратувчи бўйи кишига хузур бағишлайди. Мажнун-толлар сочларини тарам-тарам ёйиб, Олмос-

сойга бош кўйган-у, сир-асрорларини маънос сўзлашаётгандай.

Каримжон ўрта мактабни битириб, олий ўқув юртига биринчи қадами кўйган илк кунларда қишлоғидаги мактабда ўқитувчилик қилади. Мактаб ўқувчилари билан ҳамоҳанг уларнинг ота-оналари ўртасида ҳам ҳурмат қозонишга эришган. Меҳнатлари эвазига сазовор бўлган бундай эхтиромлар ҳақида ўйлаб, мактаб дарвозасидан кириб келганини ҳам сезмай қолди. Салом-алиқдан сўнг синфхонага йўл олди. Бугун ҳам дарсни амалий мисоллар билан қизиқарли олиб борди. Танаффус кўнгириги чалиниши билан мактаб директорининг котибаси шитоб билан югуриб келди-да: "Домла, аямиз кўзи ёриб, ўғил кўрибдилар, муборак бўлсин!" — дея уни табриқлади. Каримжон ўз хурсандчилигини яширмай шовиб туғуруқхона томон жўнади. Доя қизлар: "Каримжон домла, ўғил муборак бўлсин, суюнчисини чўза-веринг!" дея ҳазил-хузул қилишди. Атаб кўйганига кўшиб, турмуш ўртоғи Ҳидоятхонга соғлиқ тилаган хатини ҳам доя қизлар орқали киритиб юборди. Ўзи эса ота-онаси хузурига ошиқди. Чақалоқ тантанали кутиб олинди, расм-русумлар бошланди. Падари бузруквори Райимжон ота Каримжонга эш-кўш, комил инсон бўлсин дея набирасига Комилжон исмини кўйди.

Комилжоннинг дунёга келиши қутлуг бўлди, бирин-кетин ука-сингиллар туғилиб, серфарзанд оилага айланди. Тўнғич фарзанд улғайиб мактабга борди, мактабни "олтин медаль" билан битирди. Мактаб ўқувчиларидан "Мен ҳам газетанда ишлайман, радио ва телевидениеда гапираман", деган орузи билан Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетига ўқишга кирди. Дипломни олиши билан қишлоқ ҳарбий хизматга чақирилди. Ийгилик бурчини ҳам аъло даражада бажариб, Тошкентга қайтди. Олмосга ишга жойлашгандан сўнг бориш мақсадида талабалик амалиётини ўтаган телевидение раҳбариятига учрашди. Бўш ўрин йўқлиги учун уни радиога юборишди...

...1976 йилнинг май ойи. Тахририятда ўша давр тингловчиларининг назарига тушган "Ўзбекистон ишчиси" радиожурналининг навбатдаги сони муҳокама қилинмоқда. Хона эшигидан охира мўралаб, бир йигит хижолатли кўринишда кириб келди. Сўхбат бўлимаслиги учун уни бўш ўриндиққа ишора қилдим. Аскар кийимидagi йигит бизнинг баҳс-мунозарала-



римизни диққат билан тинглади. Сўнг унга юзландим. Оқ-сарикдан келган йигитнинг елкасидаги ҳарбий погонига кўзим тушди, катта лейтенант. Камина ҳайрон бўлганимни сезиб, гап бошлади:

— Мен Комилжон Каримжонов бўламан. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ) журналистика бўлимини битириб, ҳарбий хизматда бўлдим. Россиянинг Чита вилоятида рота командирининг ўринбосари, штаб бошлигининг ёрдамчиси бўлиб хизмат қилдим. Хизмат сабаб Грузия, Арманистон, Озарбайжонда ҳам бўлиш насиб этди.

— Жуда яхши, ўзингиз ҳақингизда маълумот бердингиз, энди мақсадга ўтинг, — дедим.

— Аслида, амалиёт ўтаган телевидениеда ишламоқчи эдим. Раҳбарият аввал радиога ишлаб туринг, сўнг кўрамиз дейишди-да, Сизга юборишди, — деди у.

Ҳаёлимдан: "Раҳбарият бу йигитни тахририятимизга катта мақсад билан юборган бўлиши мумкин. Чунки тахририятимизда кўплаб шоғирдлар етиштирган тажрибали Борис Иткин, Музаффар Саидов, Абдукарим Абдуазимов, Стелла Сливкина сингари устоз журналистлар ишлашига

ишониб юборишган", деган фикр ўтди.

— Майли, укажон, аввал ишимизни ўрганинг, радионинг студия ҳамда монтажхоналари билан танишинг. Бизга ҳам, сизга ҳам маъқул бўлса, ишлашингиз мумкин. Ҳозирча дам олинг, Тошкентни томоша қилинг. Эшигимиз очик, — дедим-да, танишувга нуқта қўйдим. Лекин бу йигит билан атрофлича танишиб чиқишга ҳаракат қилдим. Асли Наманганнинг Олмос қишлоғидан эканлиги, зиёли оилада тарбия топганини, журналистика соҳасига ҳаваси баландлигини эътиборга олиб, йўқ жойдан иш ўрни очиб, сафимизга қабул қилдик. Матн ёзиш, репортёр билан ҳамсуҳбатларнинг овозини магнит тасмасига муҳрлаш, монтаж ва студияда ишлаш сирларини пухта эгаллаш устида тинимсиз ҳаракат қилди. Устозлар кўмагида аста-секин радиожурналистиканинг сир-асрорларини эгаллай бошлади. Ўша даврнинг муҳим объектидан суҳбат ва репортажлар уюштиришда сафимиздан ўрин эгаллади. Ҳарбий хизматда рус тилини пухта билиб олганлиги унга қўл келди. У саноат корхоналари, темир йўл ташкилотлари, Ангрэн, Олмалик, Навоийдаги кимё ҳамда электрэнергия комбинатларидан эшиттиришлар тайёрлади.

1985 йил. Камина радионинг дастурлар дирекциясидан "Сўнги ахборот" тахририятда ишлаётган кезларим эди. Ўша кунларнинг бирида Комилжон хонамга кириб, ўзининг галдаги режалари ҳақида гапира бошлади:

— Устоз, берган ёрдамларингиз, шу муқаддас даргоҳда оилали бўлганим учун, аввало, Сизга, жамоа аъзоларига миннатдорчилигимни айтаман. Яна кўмак сўраб хузуригизга кирдим. Телевидениега ишга ўтишимга ёрдам берсангиз, — деди.

— Телевидениенинг қайси тахририятини режалаяпсиз?

— "Ахборот"ни.

— Бу тахририят ўта тезликни талаб қилади, қийналиб қолмайсизми? — дея савол бердим.

— Яхши ният билан "Ахборот"ни мўлжал-ляялман.

— "Ахборот" ижодкорни чарқлайди, тезликка, зудлик билан тахлийий хулоса чиқаришга ўргатади. Майли, унинг раҳбари Анвар ака Тожиев билан гаплашаман, — дедим-да, ички телефондан у кишига кўнгирак қилиб, мақсадиимни айтдим.

— Комилжон тайёрлаётган эшиттиришларни тинглаб тураман. Истаги бўлса, учраш-

син, — деган жавобни олдим. Комилжонга ўғитлар бериб, телевидениега кузатиб қўйдим.

Комилжон кўп ўтмай, тележурналистлар билан баҳслаша оладиган даражага етди. "Ахборот"нинг ҳар томонлама билимдони сифатида масъулиятли сиёсий йигилишлардан кўрсатувлар тайёрлай бошлади.

1991 йилнинг 31 август куни Ўзбекистон Олий Советининг навбатдан ташқари сессиясида Биринчи Президент томонидан Давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги тўғрисидаги масъулиятли кўрсатув ҳам Комилжон Каримжонов томонидан тайёрланди. Унинг дадиллиги, тезкор журналист бўлиб етилганлигига ўша кун гувоҳ бўлганман. Комилжон микрофон билан шахдам қадам ташлаб, давлат раҳбарининг ёнига кўтарилди. Ҳаяжонланмасдан мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсати, иқтисодий ва ижтимоий тараққитининг асосий йўналишлари билан боғлиқ саволлар берди. Биринчи Президент бу саволларга жавоб бераркан, аниқ ва пухта ўйланган режалар ҳақида батафсил маълумот берди.

Бундай йўналишдаги чиқишлар унинг фаолиятида кўп бўлган. Хусусан, Ўзбекистонимизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг расмий учрашувлари ҳақидаги кўрсатувлари кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлган.

Айниқса, ўша йилларда бунёд этилган Навоий — Учқудуқ — Мискин — Нукус, Тошғузор — Бойсун — Қўмқўрғон, Ангрэн — Поп сингари улкан темир йўлларнинг барпо этилиши, унинг азамат курувчилари ва мамлакатимиз иқтисодиёти тараққитида муҳим саналган бошқа иншоотларнинг бўёдорлари ҳақидаги кўрсатувлари Ўзбекистон телевидениесининг олтин хазинасидан жой олган.

Комилжон Каримжоннинг меҳнатлари ҳар томонлама муносиб баҳоланди. 2005 йили унга "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист" унвони берилди.

Олмос қишлоғидан юксак орзу-ниятлар билан чиққан Комилжон — шахри азим Тошкентда оилали, уйли-жойли, ўғил-қизли, набирали бўлган иқтидорли журналист ҳамон севган касбининг давом эттирмоқда. Бир вақтлар тажрибали журналистлардан сабоқ олган Олмос фарзанди эндиликда ўзи ҳам кўплаб ёшларга устозлик қилмоқда.

Абдусамат ИСОКОВ

## ҲАЁТИЙ ГАПЛАР



# КАМБАҒАЛЛАР ЙЎҚ ЭМАС, ЛЕКИН...

— Эй, жўра, бу гапни қайдан эшитдинг? Ким айтди сенга бизнинг қишлоқни қақраб ётган чўл деб? Тўғри, вақтида чўл бўлган, бугун гулистон-ку! Ахир ёшим оптимизга яқинлашган бўлсаям, ишлаб чарчамайман! Юр бу ёққа, ана қара, кўрадаги кўйларнинг ҳаммаси меники! Бу товуқлар ҳам. Кўй-кўзиларимни кўр! Бодом, олма, шафтоли, узумнинг ҳосили зўр бўлди бу йил. Бу ниманинг ҳисобига? Албатта, пешона тер билан яратилган. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Буни ўнг ва сўл қулоғинг билан эшитиб ол!

Мардонбой отанинг бу гапини эшитиб, дўсти кўзини олиб қочди. Кейин аста деди:

— Дўстим, сиз хафа бўлманг.

— Нима? Ҳали шунақами? Бир кўрай ўша раисни, нега мени рўйхатга киритади? Шунча меҳнат қилиб, энди камбағал бўлиб қолдимми? Мендаям ор бор, ному с бор!

Мардонбой ота аёли олиб келган чойни обдан қайтариб, дўстига бир пиёла узатди. Ўзи ҳам иссиқ кўк чойни хўплар экан, деди:

— Камбағаллар йўқ эмас, бор. Лекин шу ўзини бечора кўрсатаётган тўрт мучаси соғ одамлар ҳам йўқ эмас-да. Уларга иш ёқмайди. Салқин чойхона, оғизга ёқадиган таом ва бир-иккита улфатлар бўлса бас! На оилани, на рўзгорни ўйлайди. Хотин бечора балаларни қандай боқаман деб бировларнинг уйида ишлайди. Эр эса уйга келиб хотинга ўшқиради. Ишлагани иш йўқ, дейди. Каттагина томорқа эса ажриқ босиб ётади.

— Энди, жўра, сеням тушунаман, ишласанг тура олмайсан, кетмонинг кўшда ялтирайди, — деди Санақул ота. — Толганинг ҳалол. Биламан, сен қанча ишласанг, шунча тетиклашиб бораверсан. Эшитгандирсан, камбағалликни қисқартириш умумхалқ ҳаракатига айланибди. Албатта, бунда биз кексалар ҳам иштирок этамиз-да. Масалан, сени олайлик, шунча куч-гайратни қайдан оля-

сан, сени меҳнат қилишга нима ундаб туради? Шуларни камбағал оилаларга гапириб беришинг керак-да.

— Ҳа, эшитдим, дўстим, — Мардонбой ота теңдошининг фикрларини маъқулади. — камбағалликни пул тарқатиш билан туғатиб бўлмайди, дейилди йиғилишда. Яна бир гап. Камбағал оилаларнинг 35 фоизи қўлида ҳўнари йўқ, ишга лаёқатсиз экан. Уларни баъзи корхоналар шунинг учун ишга олмайд-да. Яна бир рақамни эшитиб, ҳайратландим. Камбағал оилаларнинг 83 фоизда каттагина томорқаси бор экан. Тўғри, уларда сув ва электр муаммоси йўқ эмас. Қаловини топса қор ёнади, ишлаш керак-да. Аммо шу йиғилишда Президентимизнинг бир гапи жуда ёқди менга. "Одамларга қанча ёрдам бермайлик, маҳаллалар шароитини яхшиламасак, камбағаллик қисқармайди", деди. Келгуси йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш учун каттагина маблағ ажратиладиган бўлди. Сув насослари, қўш батареялари, электр, йўл, интернет учун ишлатилади бу маблағ.

— Шунча пул маҳаллаларга! — ажабланди Санақул ота. — Бу зўр-ку! Энди қишлоқларга файз кирар экан-да. Томорқалар ҳам яшнайдилар. Бозор тўжин бўлади, бозор. Шуниси муҳим-да, жўра.

— Шу гапингга бир нарсга ёдимга тушиб кетди, — дўстининг гапини бўлди Мардонбой ота. — Тунов куни шаҳарга тушувдим. Набирам 12-қаватда яшайди. Чикдим. Лекин у қаёққадир кетган экан денг. Шунда кўнчиси мени уйига таклиф қилди. "Дам олиб туринг, йўлда толиқансиз", деди. Яхши одам экан. Уйига кирдим-у, оғзим ланг очилиб қолди. Биласанми, гўё уйга эмас, боққа киргандай бўлдим. Хоналарнинг ҳамма томонида гул ўсиб ётибди. Баъзилари шифтга етган. Буям майли, балконда лимон пишиб турибди. Балконнинг бор бўйи тувақда лимонлар билан тўлдирилди. "Духтир лимонзорда нафас олинг деган эди, лимонзорни шу ерга олиб келдим", дейди уй эгаси. Мана буну инновация деса

бўлади. Яна-чи, улар бош пиёз бор-ку, уни артганда томир томонини ташлаб юборишмас экан. Яшикка солинган тупроққа пиёзнинг томир томонини экиб, сув куйишар экан. Пиёз ўсиб ётибди. Кўкат ўзларидан чиқяпти. Мана яна бир инновация!

— Энди сен ҳамма кўп қаватли уйда яшовчилар балконда лимон етиштирсин демоқчимисан?

— Йўқ, бу хаёлимга ҳам келгани йўқ. Айтмоқчиманки, ҳамма нарсани эпласа бўлар экан. Баъзилар томорқаси, имконияти бўла туриб, қилолмаган ишни бир одам балконда амалга ошираётганига қўйил қолганимдан айтдим-да сенга. Эпласанг жангалда шўрва, дегани шу-да, жўра!

— Эй, дарвоқе, йиғилишда ҳоким, ҳоким ўринбосарлари халқ ичига кирмаётгани танқид қилинди. Қандай келсин, уларнинг вақти йўқ-да. Масалан, бизнинг маҳаллага ҳоким бирор марта бўлсин, келгани йўқ. Ҳолинг қандай деб мендан сўрамасин, бошқалардан сўрасин. Бева-бечоралардан сўрасин! Камбағал одамларга ёрдам берсин!

— Айтмоқчи, сен ҳам бу йилги ҳосилнинг ярмини одамларга тарқатибсан, деб эшитдим, яхшиликнинг энг яхшиси саховат-да, тўғрими?

— Энди, биласан, шу эл бизга қадрдон. Толганимизни шу одамлар билан баҳам кўрамиз-да. Одамларга яхшилик қилсанг, қайтади. Пул бўлиб эмас, дуо бўлиб. "Олтин олма, дуо ол, дуо олтин эмасми?" деган нақл бекорга айтилмаган, журажон.

— Хўп, омон бўл, яхшилик қилишдан чарчама, дўстим, мен борай, келин сизир соғадиган вақт бўлди, невараларга қарай, беданага хўрак бериш керак, қўшни кампирнинг сал мазаси йўқ, унга овқат чиқарай, кичкина невама мактабдан келади, дарсларига қарашай, парникдан гул узай, бугун аёлимнинг туғилган куни...

Фахриддин БОЗОРЛОВ,  
Ўзбекистон Журналистлар  
уюшмаси аъзоси.

## ХОРИЖ

### ИСРОИЛ ХАМАСНИНГ 40 АЪЗОСИГА ҲУЖУМ ҚИЛДИ

Исроил армияси ўтган ҳафта Ғазо жанубидаги Рафаҳ шаҳри яқинида кўршовда қолган ХАМАС ҳаракати аъзоларини йўқ қилганини маълум қилди. Бу ҳақда манбаларга таяниб, "Al Arabiya" хабар берди.



Маълумотларга кўра, Шарқий Рафаҳдаги қолган туннель йўлларини йўқ қилиш бўйича интенсив ҳаракатлар давом эттирмоқда. Қайд этилишича, туннель ичида ХАМАС ҳаракатининг 40 дан ортиқ жангчиси ўлдирилган.

### ҚОЗОҒИСТОН АҲОЛИСИ КЎПАЙДИ

2025 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, Қозоғистоннинг умумий аҳолиси қариб 20,5 миллион кишига етди. Бу ҳақда мамлакат Миллий статистика бюроси хабар берди.



Аҳолининг кўпайиши, асосан, табиий ўсиш ҳисобига юз берган. Йил бошидан бери мамлакатда 168,5 минг киши туғилган. Қозоғистонга кўчиб келганлар эса атиги 12,2 минг кишини ташкил этган. Энг тез ўсаётган ҳудуд — Остона. 10 ой ичида аҳоли сони бирданга 6,1 фоизга ошиб, 1,5 миллион кишига етган. Ўсишнинг асосий қисми миграция ҳисобига бўлган — жами ўсишнинг 81,5 фоизи. Йил бошидан бери Остонага 76 мингдан ортиқ киши кўчиб келган.

### РОССИЯ НЕФТНИ ЯНА СОТА БОШЛАДИ

Ҳиндистон нефтни қайта ишловчи заводлари Россия нефтини катта чегирма билан сотиб олди. Бу ҳақда "Bloomberg" хабар берди.

Нашр маълумотига кўра, Ҳиндистоннинг давлат компаниялари — "Indian Oil" ва "Bharat Petroleum" санкциялар остига тушмаган Россия компанияларидан январь ойида етказиб бериладиган нефть ҳомашёсини харид қилган.



Маълумотларга кўра, қанча партия сотиб олингани номаълум, аммо улар бир баррелга (0,136 тонна) тахминан 5 долларлик чегирма билан олинган. Нашрнинг эслатишича, бир ой олдин чегирма 3 доллар эди. Шунингдек, чегирма ва ташқи ҳаражатларини ҳисобга олган ҳолда, Россия ҳозирда бир баррель нефтдан ўртача 40-45 доллар ишлаб олиши айтилмоқда. Бу етказиб беришлар БАА дирҳамидида тўланмоқда.

### БИР ҲАФТА МУҲЛАТ

Венесуэла президенти Николас Мадуро ноябрь ойи охирида Дональд Трамп билан телефон орқали мулоқотдан сўнг, АҚШ томонидан берилиши мумкин бўлган хавфсизлик кафолати остида мамлакатни тарқ этиш имкониятини йўқотди. Бу ҳақда манбаларга таяниб, "Reuters" хабар берди.



Президентлар 21 ноябрь куни телефон орқали сузлашган. Суҳбат АҚШнинг Венесуэлага босими кучайган, Қариб денгизига дунёдаги энг йирик Гералд Форд авиаташувчисини юборган бир вақтда бўлиб ўтган. Мулоқот тахминан 15 дақиқа давом этган.

"Reuters"нинг уч манбасига кўра, суҳбат чоғида Мадуро агар ўзи ва оила аъзоларидан санциялар олиб ташланса, шунингдек, уларга ҳуқуқий амнияти кафолатланса, истеъфога чиқишга ва мамлакатни тарқ этишга тайёрлигини билдирган. Шунингдек, у АҚШ президентидан юзга яқин кишини афв этишни сўраган.

Интернет хабарлари асосида Муҳаммадсодиқ ТўРАЕВ тайёрлади.



ТАДБИР

Куни кеча пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон - 2030" стратегиясини амалга ошириш ва унинг ижросини таъминлашда...

Қайд этиш жоиз, "Ўзбекистон - 2030" стратегиясини мамлакат тараққиётининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи...

Тадбирда "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков "Ўзбекистон - 2030" стратегияси...

"ЎЗБЕКИСТОН - 2030":

ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА



роқи директори Элдор Туляков "Ўзбекистон - 2030" стратегияси — халқ стратегияси экани, ислохотларнинг марказида инсон манфаати туриши лозимлиги...

— Ислохотлар марказида инсон турган жойда стратегия муваффақиятли бўлади. Хозирги глобал шароитда ҳеч бир давлат ислохотларни ёлғиз амалга ошира олмайди...

самарали бошқарувнинг асосий мезонига айланди. Шу босис, фуқаролик жамияти институтларининг роли бугун амалий давлат сиёсатининг ўзағидир.

Хуқуқий демократик давлат қуришда фуқаролик жамиятининг ўрни — замон талаби. Давлат бошқаруvinинг самарадорлиги энди фақат ички жараёнларга эмас...

Тадбир давомида стратегиядаги мақсад ва кўрсаткичларнинг изчил, сифатли ва ўз вақтида бажарилиши юзасидан самарали жамоатчилик назоратини ўрганиш мақсадида ишга туширилган махсус...

онлайн портал — "uzbekistan2030.uz" ҳақида ҳам маълумот тақдим қилинди.

Таъкидланганидек, "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан юритиладиган ушбу платформа орқали аҳоли Стратегия ва Давлат дастурларининг ижроси, шунингдек, ҳар бир мақсад ва кўрсаткичлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифларини билдириш имкониятига эга.

Шунингдек, ҳар йили БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун ҳолда стратегия-

нинг амалга оширилиши таҳлил қилиниб, жамоатчиликка эълон қилинади. Тадбирда мазкур платформа тақдими ўтказилиб, унинг имкониятлари, жамоатчилик фикрини тақдим этиши, Стратегия ва Давлат дастурлари ижроси ҳақидаги очиқ маълумотлар, фуқаролар фикрини тўплаш механизми ва лойиҳаларнинг батафсил статистик маълумотларини эълон қилиб борилиши тартиблари ҳақида маълумотлар берилди.

Давра суҳбатида иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Мавлудахон Ходжаева ўз нутқида "Ўзбекистон - 2030" стратегияси ижросини таъминлаш, қонунлар сифатини ошириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва ижтимоий фаолликни оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтди.

— Парламент ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги конструктив мулоқот ва ҳамкорликни кенгайтириш доғлар бажарилиши кўриб чиқилди.

Бугунги кунда бу борада фаолиятимизнинг ташкилий-амалий механизмлари яратилган.

Жумладан, Қонунчилик палатасининг ҳар бир қўмитаси ҳузурида Жамоатчилик кенгашилари ташкил этилган фуқаролик жамияти институтларининг норма ижодкорлиги ва парламент назорати жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтирди, — деди Спикер ўринбосари.

Давра суҳбати якунида ННТлар учун янги грант механизмларини шакллантириш, давлат органлари билан ўзаро ахборот алмашишни ташкил қилиш, жамоатчилик назоратининг хуқуқий асосларини янада кучайтириш, экологик ва ижтимоий дастурларда ННТлар иштироки самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг миллий стратегияларини амалга оширишда халқаро тажрибадан фойдаланиш бўйича фикрлар илгари сурилди.

Ўз муҳбиримиз.

ВОҶЕИЙ

Абдирахмат полвон кўкламда боғбон ошнасидан ўн туп олма кўчатини келтириб, ўгли Мажиҳ муаллимнинг ҳовлисига экканди.

Орадан уч йил ўтиб, ниҳоллар даракларга айланди.

Лекин яқинда ёзнинг айни чилласида ўғлини кўриб қолган полвоннинг дили хуфтон бўлди. Чунки дараклар сувсизликдан қурийдиган аҳволга тушган эди.

У ўғлини чақирди.

Тандирга ўтин қалаётган келини қарияга деди:

— Ўғлингиз мактабнинг иши билан шарга кетувди, боваси, биламан, даракларни кўриб, хафа бўлялсиз. Анови катта ариққа банд солган Турди фермернинг олдида "сув очаман" деб бир неча марта борди, аммо сув бермади ноинсоф. Бир гал ўзим хотин-халажларни эргаштириб ҳам бордим. Қаёқда, фақат сўкиш эшитиб қайтдим...

Келинининг гапларидан Абдирахмат полвон ўйга толди.

"Ҳа, Турди фермернинг ҳозир ошиги олчи. Бир пайтлар, ҳов калхў даврида, катталарнинг соясига салом бериб юрдида югурдак эди, бугун эса қишлоқнинг олди бойларидан..."

Абдирахмат полвон даракта илинган кетмонни олиб, йўлга тушди ва яқин орада қишлоққа ариқдан сув оқмаганига амин бўлди. Чунки сувсизликдан ариқнинг ичида катта-кичик ёриқлар пайдо бўлганди.

Келини рости айтган экан, катта ариқдаги сув айригич ёнида Турди фермер чайла қуриб олган, ўғли билан кеча-кундуз танда қўйиб ётарди.

Турди фермер Абдирахмат полвонни дарров таниди. "Охири полвон ҳам хабар топибди-да..." Сўнгра чайла соясига



ётган барзангидек ўғли тарафга қараб, дидиланди.

"Унинг бир ўзи, биз икковмиз, қани, нима деб дов тўхаркан бобой?" деган хаёлга борди.

Турди фермер Абдирахмат полвонга пешвоз чиқиб кўришди ва чайлага таклиф қилди.

— Чой ичиб ўтирадиган пайтмас, Турдибой, сувсизликдан Мажиҳнинг ҳовлисига эккан ниҳолларим қурийдиган бўпти, сув очгани келдим...

— Охири сизни юборибди-да. Сув пахтага оқяпти, иложи йўқ. Сиз-ку, майли, отам тирилиб келсаям сувни беролмайман!

Турди фермернинг гапи Абдирахмат полвоннинг қаҳрини келтирди, аммо ўзини босди.

— Нима, қишлоқдагиларни сув бермай қуритинглар, деб айтишдимми?

Турди фермер бош чайқади. — Йўқ.

— Бўлмаса, нимага бундай қилясан?

— Одамлар билан ишим йўқ, мендан кузга бориб пахта талаб қилишади, одамларданмас...

— Нима, одамлар ўзга сайёрадан келишганими?

Турди фермер полвон билан гап талашиб енголмаслигини сездди. — Биламан, гапи қайтмаган одамсиз, агар ҳозир сизга сувни берсам, бутун қишлоқ оёққа туради, шуни биласизми?

— Бир ҳафтада бариси сўғориб бўлишади.

— Йўқ, бўлмайди, гўзам гул ташлаб кетади.

— Кўрдим, гўзанг ҳали сувсагани йўқ, ёлгон сўзлама, Турдибой...

Турди фермер тин олди ва бирдан бошига келган туйқус фикрдан қувониб, деди:

— Бўлмаса, менда бир таклиф бор. Сизни елкаси ерга тегмаган полвон деб эшитганман. Отам раҳматли Сурхонга бо-

риб, курашда туя олганингизни кўп гапирарди. Келинг, бир иш қиламиз. Сиз ҳозир ўғлим Нуртожи билан бир беллашасиз. Агар полвон йиғитни йиқитсангиз, мен банди очиб, бу ердан кетаман, сув қишлоққа оқверарди. Мабодо йиқилсангиз, майли, фақат сизга сув бераман, аммо қолганларга йўқ! Гапим — гап!

Турди фермернинг кутилмаган таклифи полвон бобонинг дилини оғритди, аммо кўпни кўрган эмасми, сир бой бермади.

— Ҳой, ука, ўйлаб гапирясанми? Ахир боланг неварам тенги бўлса, уят эмасми? Балки, ўзинг билан олишсам бинойи бўлар...

— Йўқ, мен олишиб кўрмаганман. Ўғлим бошқа гап, у кураш мактабида ўқияпти, яқинда вилоят чемпиони бўлди.

Абдирахмат полвон бир зумга ўйла-ниб қолди. Турди фермернинг галати таклифи туфайли ўзини таҳқирлангандек ҳис қилди-ю, кейин ич-ичидан бир далдама, ишончнинг ҳис қилди.

— Майли, олиш бўлса, олиш-да, чиқар болангни!

\*\*\*

Дўнсаликдаги чимзорда икки ёши тенг бўлмаган полвон давра айланди. Бирини не-не туй ва сайилларда майдонга чиқиб, голибик нашидасини сурган, ёши уч кам саксон ёшли полвон бўлса, иккинчиси йиғирма ёшли айни бабогат палласидаги куча тўлган йиғит эди.

Турди фермер ўғлининг қулоғига: "Агар шу чолни йиқитолмасанг, кунингни кўрсатаман: "Нексия"га оёқ оширмайсан, йиқитсанг, машина сеники!" — дея шипшитишга ҳам улгурди. Нуртожи ора йўлда қолди. Охири отасининг измига бўйсунди. Шу тобда Абдирахмат полвоннинг ўй-

хаёлидан не кечди, не қолди, ёлғиз ўзига ва Яратганга аён эди. Хуллас, ғаройиб кураш бошланди.

Полвонлар давра айланишди. Бир зумда уч-тўрт томошабин ҳам пайдо бўлди. Булар қўй-эчки боқиб юрган болалар бўлиб, уларнинг ичида полвон бобонинг невараси Султон ҳам бор эди. Болақай юрак ҳрвучлаб бобосининг ҳаракатларини кузатди. Ниҳоят, полвонлар бир-бирларига рўбарў келди. Абдирахмат полвон рақибига сер солиб, унинг анюй эмаслигини, уни мағлуб этиш осон бўлмаслигини сездди ва ўз-ўзини койиди.

"Эй, полвон деганнинг озгина жунунли бўлиши рост экан-да. Бўлмаса, шу ёшга кириб олишиб юришга бало бормиди?.. Ундан кўра Турди фермерга "илтимос" деб яхши гапирганида, вазият шу даражага бормасмиди..."

Энди кеч. Энди қандай қилиб рақибни енгишини ўйлаши лозим. Ахир қанчадан-қанча зўрларнинг елкасини ерга теккизган-ку, бунинг ҳам иложини топса бўлар?..

Лекин Абдирахмат полвон биринчи қўлдаёқ танг аҳволга тушди. Ўпкаси тикилиб, хансираб қолди. Бироқ рақибига ўзини ошкор этмади. Полвонлар яна давра айланишди. Иккинчи ушлашда Нуртожи рақибини синовдан ўтказди. Қўшпояча солди. Аммо рақиб ҳаммадан чиқиб кетди. Буни кўрган Турди фермер ўғлига:

— Ҳой, нодон бола, буни Абдирахмат полвон дейишади, эҳтиёт бўл! — дея огоҳлантирди.

Шу тобда Абдирахмат полвоннинг фикри-уйида: "Рақибини қандай усулда енгиш лозим?" деган савол айланарди. "Ҳа, тезроқ бир тадбир топиш керак, акс ҳолда, яна икки-уч нафасда кексалик панд бериши тайин..."

Шунда полвоннинг хаёлига ярқ этиб устози Бекмурод полвон ўратган тўғноқ усули келди. Йиғитнинг бу кўхна ва деярли унутилган чилга қарши бирор ҳаракат топиши дарғумон. Кекса полвон рақибнинг кўзларига тик боқди. Нуртожи Абдирахмат полвоннинг бунчалик чапдастлик билан қаршилиқ кўрсатишини кутмаган эди, унинг кўнглига шубҳа оралади.

"Наҳотки саксонни қоралаган шу қариядан йиқилсам", дея ўз-ўзига савол берди. Унда вилоят биринчилигида совриндор бўлгани нима бўлди? Айниқса, мураббийни Примов эшитса, нима дейди? Йўқ, у йиқилмаслиги керак. Иложи борича рақибини чарчатиши, бунинг учун эса ҳимояга ўтиши керак. Кураш қанчалик узоқ давом этса, у ютади!

Шу лаҳзада Абдирахмат полвон кутилмаганда қоллондек ҳамлага ўтди. Нуртожи бунни кутмаган эди. Оний лаҳзалик бепарволик унга қимматга тушди.

Эй, оғайнилар, шунда дедди, Абдирахмат полвоннинг "Ё, пирим!" деган товуши янгради ва рақибини аввал ортага суриб, сўнгра ёнбошга кўтариб ташлади. Опишувни жон ҳолатда кузатиб турган Турди фермер оҳ тортиб юборди. Кекса полвон рақибини қўлидан тортиб турғизди ва унинг елкасига қоқиб: "Емон олишмадинг, кўнглингни қўқтирма", деб таскин берди.

Лекин Турди фермер тарафга атай қараманди. Голибик нашидасидан мас-мур полвон набираси ва унинг жўралари билан қўй-эчкиларни ҳайдаб қишлоққа қайтди. Уларнинг ордидан эса тизгинини узган тойчоқдек уйноқлаб ариқдан сув келарди...

Ўрлобой ҚОБИЛ, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси аъзоси.

ИЖТМОИЙ ТАРМОҚЛАРДА

Ҳукумат учун оғриқли савол

Амалдорлар ва уларнинг оилалари даромадларини мажбурий декларация қилиш тизими 2022 йил 1 январдан ишга тушириш керак эди, аммо қариб 4 йилдан бери ортага суриб келинмапти.

Солиқ қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа мутасаддилар мазкур тизимни ишга тушириш ҳақида қайғурмаётган қўринадди. Ёки агентликнинг кучи етмаяпти.

2022 йил 1 январдан давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар, давлат корхоналари ва муас-

сасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва воёга етмаган фарзандларининг даромадлари ва мол-мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилиши керак эди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги даромад ва мулкни декларациялаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини 2021 йил 13 ноябрда Вазирлар Маҳкамасига киритган. Бироқ ҳукумат ҳужжатини ҳозиргача Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этгани йўқ.

Агентликнинг маълум қилишича, давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулк-

кини декларация қилиш тизими аллақачон тайёр бўлган, 2023 йилдан буюн Божхона қўмитасида синов тарихида ишлатилмоқда. Қонун лойиҳасининг ўзи эса ҳамон ҳукуматда ва шахсий маълумотларни очиклаш билан боғлиқ қисми такомиллаштирилмоқда.

Солиқ қўмитасига чиқсанг, Коррупцияга қарши курашиш агентлигида дейишади. Коррупцияга қарши курашиш агентлигидан сўрасак, ҳукумат ўтказмаётганини айтишади. Ҳукуматдан сўрасак, Солиқ қўмитаси ишни чала ташлаб қўйганини баҳона қилади.

Хуллас, сан солар, ман солар, отга емни ким солар?



Ишончсиз "Ишонч телефони"

Энергетика вазирлигининг ишонч телефон рақами ишламаётгани ҳақида мурожаат қилишмоқда.

Аслида вазирликдагилар қишда уйқуга кетишади. Баҳор келиб, кунлар исиганда уйғонишиб, яна матал тўқишини бошлайдилар.

Маиба: platforma.uz

РАССОМ ХАНДАСИ



Хусан СОДИҚОВ чизган карикатура.

